O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 30-aprel • № 18 (4053)

ИЧАНҚАЛЪАДА АСРЛАР САДОСИ

"Мозийга қараб иш тутмоқ хайрли", дейдилар. Биз истиқлолимиз шарофати билан аввало буюк аждодларимиз яратган бебаҳо маънавий ва моддий обидалар, анъаналар, урф-одатларни чуқур тадқиқ этишга, халқимизга етказишга, айни чоғда пешқадам дунё мамлакатлари илм-фани, технологияси, маънавий-маданий ютуқларидан баҳраманд бўлишга эришдик.

Миллий маънавиятимиз обидаларини қайта тиклаш, юртдошларимиз ва дунё жамоатчилиги вакилларини улардан хабардор этиш борасида "Фонд форум", яъни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, айниқса, ибратли ишларни амалга оширмоқда. 2008 йилда "Фонд форум" ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда илк бор Қашқадарёнинг Китоб туманида "Асрлар садоси" фестивалини ўтказган эди. Китоб тумани қир-адирларида ҳақиқий халқ сайли сифатида бўлиб ўтган мазкур фестивалда юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларга амалий санъат усталари, рассомлар, дизайнерлар, бахшилар, хонандалар, дорбозлар, полвонлар, рақҳос ва рақҳосалар, чавандозлар, ошпазлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Фолклор жамоалари чиқишлари, улоқ, хўроз ва кўчқор уриштиришдек халқимизнинг қадимий ўйинлари фестивалга такрорланмас байрамона ва халқона руҳ бағишлади.

"Асрлар садоси" анъанавий фестивалининг навбатдаги тантаналари ўтган йили Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Бўстонлиқ туманларида бўлиб ўтди. Оққўрғондаги қадимий меъморий ёдгорлик мажмуасига уюштирилган саёҳат жараёнида аждодларимиздан қолган меъморий, маданий ёдгорликлар, уларнинг бугунги кундаги кўринишлари, ривожланиш, такомиллашиш тамойиллари хусусида тантана иштирокчиларига қизиқарли маълумотлар тақдим этилди. Бўстонликдаги сўлим Қоранқўл қишлоғида бўлиб ўтган тадбирларда эса амалий ва тасвирий санъат кўргазмаси, ҳунармандлик ярмаркаси, миллий либослар намойиши, таниқли ва ёш санъаткорлар, фолклор жамоалари чиқишлари байрамга алоҳида жозиба, шукуҳ бахш этди.

Миллий маданиятимиз, санъатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг гўзал намойиши, ўзига хос байрамига айланиб бораётган "Асрлар садоси" фестивалининг бу йилги тадбирлари эса 8-9 май кунлари кўҳна Хоразм диёрида, Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ўтказилади. Қадимий Хива тарих, меъморлик, маданият ва санъатимиз ҳамда шаҳарсозлик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган "Очиқ осмон остидаги музей" шаҳардир. Фестивал тадбирларининг машҳур Ичанқалъа мажмуасида бўлиб ўтиши байрамга ажиб жозиба бахш этиши шубҳасиздир. Фолклор жамоалари чиқишларида қадим Хоразм оҳанглари, достонлари, термалари янграйди, рақслар, халқ ўйинлари ижро этилади. Амалий-безак санъати кўргазмаси ўтади. Дорбозлар ўз маҳоратларини, полвонлар эса билак кучларини намойиш этадилар. Миллий либослар кўргазмасида Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларнинг тарихий либослари, зеб-зийнатлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Айни чоғда тарихий либосларимиз ва бугунги замонавий кийим-кечаклар дизайни уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Фестивал давомида хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари жамланган китоб тақдимоти ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Тарихий шаҳарнинг қоқ марказида бўлиб ўтадиган анъанавий байрам жозибадор куй-қўшиқлар, театрлаштирилган саҳнавий кўринишлар, халқ ўйинлари билан бойитиладики, бу барча иштирокчилар, жумладан хориждан ташриф буюрадиган кўплаб меҳмонлар қалбида бир умрга ёрқин ёруғ хотиралар сифатида сақланиб қолиши шубҳасиз.



ОПЕРА ЮЛДУЗЛАРИ УЧРАШУВИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри саҳнасида халқаро Италия операси ҳафталиги ўтмоқда. Италиядан меҳмон бўлиб келган машҳур хонандалар Розанна Савойя, Франческо Паоло Панни, дирижёрлар Эдди Де Надаи ва Жерардо Копелла ҳамда ноёб овоз соҳиблари, белоруссиялик меҳмонлар Елена Бунделева, Сергей Франковский, Александр Краснодубский таниқли ўзбек хонандалари билан Италия опера мактабига асос солган ва унинг ривожига улкан ҳисса қўшган Ж.Вердининг "Травиата", Г.Доницеттининг "Лючия ди Ламермур", Ж.Пуччинининг "Богема" ва Ж.Россинининг "Севил сартароши" операларида иштирок этмоқдалар.

Ушбу халқаро тадбирга бағишланган матбуот анжуманида Катта театр директори Бахтиёр Ёқубов шундай деди: "Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган Италия, Белорусия Республикаси элчихоналарининг ташаббуслари билан ўтказилаётган бу тадбир Ўзбекистон, Италия ва Белоруссия маданий алоқаларини ривожлантириш ҳамда янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Шубҳасиз, тадбирда иштирок этаётган барча санъаткорларнинг ижроларидан баҳраманд бўлаётган тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун мазкур санъат ҳафталиги унутилмас воқеа бўлиб қолади".

Дўстона ижодий суҳбатда иштирок этган чет эллик санъаткорлар, Белоруссия ҳамда Италия элчилари И.С.Сокол ва Жованни Риччули ушбу маданий тадбирнинг аҳамиятига катта баҳо бердилар. Италиялик дирижёр Эдди Де Надаи ўз таассуротлари ҳақида шундай деди: "Мен жуда кўп давлатларда бўлдим, машҳур хонанда ва созандалар билан ижод қилдим. Лекин Ўзбекистонда опера ва балет санъати шу қадар юқори профессонал даражада фаолият кўрсатаётгани тўғрисида ўйламаган эканман. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг асосида давлатнинг маданият ва санъатга эътибори, ғамхўрлиги мужассамдир. Бугун энг ривожланган Европа давлатларида ҳам санъатга бундай эътибор ва муносабатни кам учратамиз. Бирор бир давлатда тўрт, яъни италян, француз, рус ва ўзбек тилларида юксак маҳорат билан ижро этадиган опера хонандаларини кўрмаганмиз. Мен бугун Муяссар Раззоқова ва Нормўмин Султоновни жаҳон опера санъатининг ёрқин юлдузлари, деб биламан. Куни кеча шу хонандалар билан "Севил сартароши" спектаклида иштирок этиб билдимки, уларнинг истеъдоди беқиёс экан. Мен бу учрашувларни ҳеч қачон унутмайман".

"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими.

«ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК...»

Адабий учрашувлар

Улуғ маърифатпарвар Абдулҳамид Чўлпоннинг бу сўзлари ҳеч бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Зеро, ижодкор бутун кучни халқдан олади. Маъноси теран ҳикматларни элдан олиб, бетакрор бадиий зийнатлар билан музайян этган ҳолда унинг ўзига ҳадя этади. Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш ҳақидаги қарори миллий адабиётимиз равнақига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг самараси ўлароқ адабиёт аҳли қалбини тўлқинлантириб юборди. Ижодкорларнинг бугун халққа юзланаётгани, эл-улус мулоқотига ошиқаётгани сабаби ҳам шунда. Яқинда Республика Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ ижод аҳли — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, халқ шоирлари Анвар Обиджон ва Иқбол Мирзо, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Нурбой Жабборов, Ҳамидулла Болтабоевлар Фарғона вилоятида ижодий сафарда бўлдилар.

Ижодий сафар Қўқон шаҳридан бошланди. Ижодкорлар шаҳарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишиб, бундан ўзгача руҳ олдилар. Шаҳар аҳли билан бўлган мулоқотда бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз жараёни кетаётган бир шароитда юртимизда олиб борилаётган бундай бунёдкорлик замирида халқимизнинг тарих синовларидан ўтган беқиёс иродаси, Йўлбошчимизнинг доно сиёсати тургани алоҳида таъкидланди. Шеърлар дилрабо куй-қўшиқларга, гурунглар самимий дил изҳорларига уланди.

Ҳамза номидаги театрда, Фурқат туманида ўтказилган адабий анжуманларда яқин ўтмишда Қўқон ўзига хос адабий муҳит шаклланган, ривожланган маскан бўлгани, Амирий, Нодирабегим, Муқимий, Завқий, Муҳаййир, Муҳйи, Муҳсиний сингари кўплаб шоирларга бешик вазифасини ўтаган табаррук шаҳар экани эътироф этилди. Таваллудига 150 йил тўлган Зокиржон Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир янгича қарашлар, мулоҳазалар, топилмалар ҳақида гап борди. Бугун адабиётимиз, маънавиятимиз ривожига алоҳида эътибор кўрсатилаётган замонда бу заминдан яна кўплаб навқирон ижодкорлар етишиб чиқаётгани хусусида сўз юритилди.

Адабий суҳбатлар Фарғона, Марғилон шаҳарларида ҳам ўзгача шукуҳ билан давом этди. Фарғонада бу гўзал водийдан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг ижодий кечаси оддий одамларнинг адабиёт аҳли сўзига нечоғлиқ ташна эканини, халқ ўзининг ижодкор зиёлиларини қанчалар қадрлашини яна бир карра тасдиқлади. Айниқса, Марғилон шаҳридаги Жаҳон отин Увайсий номидаги тўғарак фолияти пойтахтдан ташриф буюрган ижодкорларда яхши таассурот қолдирди. Тўғарак аъзолари бўлган ўқувчи қизлар ва ўсмирларнинг устоз шоирлар ҳамда ўз шеърларини рус, инглиз, немис, япон тилларига юқори савияда таржима қила олиши, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Бу, ўз навбатида, юртимиз ёшлари орасидан ижодий тафаккурга мойил, ғайратли ва шижоатли ижодкор ёшлар тўлқини етишиб келаётганини кўрсатади. Таниқли шоира Энахон Сиддиқова раҳбарлик қилаётган Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ёш истеъдодлар тарбиясига алоҳида эътибор берягти. Улар қалбидаги ана шу ижодий тўлқинни асраш, тарбиялаш, камол топтириш миллий адабиётимиз тараққиёсига хизмат қилиши муқаррар.

Ўз мухбиримиз

ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

Ёш истеъдодларнинг "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган ижрочи ёшлар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари, давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланмоқдалар. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Холидахон АҲМЕДОВА бу йилги "Ниҳол" мукофоти номзодларини саралаш қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди:

— 2010 йил Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ёшлар қалбига кўтаринки кайфият бағишлади. Бу йилги "Ниҳол" мукофоти танловини янада сермазмун қилиб ўтказишни режалаштирганмиз. "Ниҳол" мукофоти кенгаши аъзоларидан Ўзбекистон санъат арбоби Дилором Омонуллаева, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳуррият Исроилова, Глиэр номидаги лицей директори Баҳром Қурбонов, Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори Аваз Мансуров, вазирлик бош мутахассиси Шавкат Ражабов вилоятларда танловнинг дастлабки босқичларини ўтказишда иштирок этмоқда.

Таълим муассасалари, маданият уйлари ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Танловнинг биринчи босқичи 15 апрелдан 15 майгача барча туман ва шаҳарларда ўтказилади ва ҳар бир номинация бўйича биттадан номзод Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳайъатларига тавсия этилади.

Иккинчи босқич 15 майдан 15 июнгача давом этиб, мазкур тавсиялар батафсил ўрганиб чиқилади. Бу нуфузли мукофот учун танлов жараёни йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. "Ниҳол"ни таъсис этишдан кўзланган мақсад ҳам халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини асраб-авайлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборатдир.

М.КАРИМОВА ёзиб олди.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

19-23 апрел кунлари Тошкент ва Самарқандда Озарбойжон киноси кунлари бўлиб ўтди

Сулаймон ҳийласига ўйнаган Асқар ва унинг севгилиси Гулчеҳра, аввалида Лайлога уйланишдан бош тортиб қочиб кетган Аҳмад, Жаннат хола билан унинг "келини" Офатхонимнинг ҳунарларидан мириқиб кулмаган, уларни ўз қадрдонига айлантирмаган, шоир Насимий изтиробларига ҳамдард бўлиб, унинг экранга кўчган шеърияти ила ошно бўлмаган ўзбек топилмаса керак. Композитор Қора Қораев, Муслим Магомаев ва Зайнаб Хонларова сингари машҳур хонандалар ижоди ҳам бизни сиру сеҳрга бой, мўъжизаларга ишонувчи озарбойжон қардошларимизга яқинлаштиради. Юртимизда 19-23 апрел кунлари бўлиб ўтган озарбойжон киноси байрами ҳам маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири сифатида алоҳида мазмун ва моҳият касб этди.

Илдизи қадим дарёлардан сув ичувчи бу икки мамлакат халқининг урф-одатлари, ўтмиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Минг йилликлар суронида тобланган халқларимиз дўстлиги XXI асрда янада кенг қулоч ёзмоқда.

Кино кунлари доирасида намойиш этилган «Озарбойжон оҳанглари», «Эзгулик таъми», «Ўнг келган туш», «Ният», «Бир қадам» каби озар филмлари ўзбек томошабинларига ҳам бирдек манзур бўлди.

23 апрел куни республика Киночилар уйида "Озарбойжон киноси кунлари" якунига бағишланган матбуот анжуманида кино ижодкорлар, санъатшунослар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори ўринбосари, таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов мазкур кино кунлари ва унинг доирасида ўтказилган ижодий кечалар икки давлат киноижодкорлари учун беҳо тажриба мактаби вазифасини ўтаганини алоҳида таъкидлади.

— Кино кунлари доирасида озарбойжон миллий киносининг ривожланиш анъаналарини акс эттирувчи учта тўла метражли, иккита қисқа метражли, иккита ҳужжатли, иккита анимацион филм намойиш этилди – дейди Озарбойжон халқ артисти Рафиқ Алиев. – Улар ўзбек томошабинлари томонидан яхши кутиб олинганидан бошимиз осмонга етди. Филмларимизни мириқиб томоша қилган ўзбек томошабинларига Озарбойжон киноижодкорлари ва ўз номимдан чуқур миннатдорлик изҳор қиламан. Икки давлат киноижодкорлари ўртасида йўлга қўйилган бу ҳамкорлик маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлайди.

— Ўтган йили куз фаслида Озарбойжонда "Ўзбек киноси кунлари" ўтказилганди, — дейди Озарбойжон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги кинематография бўлимининг катта маслаҳатчиси Олмос Султонзода. — Ўшандаёқ юртингизда санъатнинг барча турлари сингари кино санъати ҳам дадил ривожланаётганининг гувоҳи бўлгандик. Бугун юртингизда кино соҳасига қаратилаётган эътиборни ўз кўзимиз билан кўриб, миллий руҳ, умрбоқий анъана ва қадриятлар тараннум этилган филмлар кўпроқ яратилаётганига амин бўлдик. Ўйлайманки, бу тадбирлар эзгу инсоний ғояларни тарғиб этишидан ташқари, халқларимизни янада яқинлаштиради, ўзаро дўстлик, аҳиллик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Тадбир якунида меҳмонларга юртимиз киноижодкорлари номидан эсдалик совғалари топширилди.

Ойдин САЙФУЛЛАЕВА



Ҳуснора Ҳуснидинова ва Муниса Норхўжаева Тошкент шаҳар болалар ижодиёти маркази қошидаги «Нафосат» дуторчи қизлар ансамблида фаолият олиб боришади. Ансамбл раҳбари Нодира Шодиеванинг шогирдлари гўзаллик оламидаги илк қадамларидан жуда бахтиёр. «Биз профессионал созанда бўлмаган тақдиримизда ҳам бу ерда ўрганганларимиз ҳаётда қўл келади, — дейди қизлар. — Мусиқа ҳамиша биз билан бирга».

Ф.ФАХРУТДИНОВА.

Суратда: ёш дуторчилар ансамбли.

ШОИРНИНГ ХОТИРА КЕЧАСИ

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.

Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини адабиёт ёд билишади. У Ватан ва мустақиллик, элу юрт севгиси мавзусини кўп ва хўб куйлаган шоирлардан биридир. Шеърлари ифодаси самимий ва халқона, оҳанглари ўйноқи ва равон, тили халқ сўзлашувига яқин бўлгани учун ҳам каттаю кичикка бирдек қадрли: "Шодон куним гул очган сен, чечак отган изимга, Нолон куним юпатган сен, юзинг босиб юзимга, Офтобдан ҳам ўзинг меҳри илиғимсан, Ватаним", "Чақиртошлар товонимдан тишлаб олган, Қўлларимдан кийикчалар ушлаб олган", "Ҳаёл қандай яхши, Аканга ўхшар. Ўйнатар елкага кўтариб олиб", "Ой ўтса ҳам уялар ёнингдан сенинг"...

Муҳаммад Юсуфнинг ўхшатишлари, истиоралари ўзига хос, янги. Шеърий сатрларда сўзнинг рангини кашф этган шоирнинг шеърлари ҳамиша янги бўлиб қолаверади. "Сен шохлари осмонларга тегиб турган чиноримсан", дейди шоир Ватан ҳақида, "Ғичир-ғичир тишимдаги сўлиғимсан, Ватаним", дейди халқнинг дарду армони ҳақида, "Мен шеър ёздим ғуркираган юртга бўйлаб", деб ёзади юртимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида. Фаровон ва саодатли ҳаётимизнинг манзараларини чизади. Ушбу манзаралар шоирнинг шеърлари тимсолида ҳамиша яшнаб тураверади, бизга завқу ҳаяжон бахш этаверади.

Шу боис, адабиёт мухлислари Муҳаммад Юсуф туғилган кун — 26 апрелни ҳар йили хотирлайдилар. Шоирнинг фидойи ҳаёти ва сержило ижоди ҳақида хотиралар сўзлаб, шеърларини ёд ўқийдилар.

Шоир туғилиб ўсган юрт — Андижон вилоятида ушбу санага бағишлаб хотира кечалари ўтказилди. Марҳамат туманида Муҳаммад Юсуф қабрига, ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Тумандаги 25-умумтаълим мактабида, "Турон" боғида адабий тадбирлар бўлди. Андижон шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона марказида "Улуғимсан, Ватаним" мавзусида ўтказилган мушоирада Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицей ва индустриал-педагогика коллежи талабалари фаол иштирок этди. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоирлар Хуршида, Фарид Усмон, Қобил Мирзо ва бошқа ижодкорлар иштирокидаги шоир хотирасига бағишланган шеърият кечалари вилоят ўқув юртларида давом этди. Тошкентдаги "Ёшлик" талабалар шаҳри Маънавият ва маърифат марказида ҳам Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кунга бағишланган хотира кечаси бўлди. Таниқли шоир ва ёзувчилар дил сўзларини изҳор этдилар, унутилмас хотираларидан сўзладилар. Хонандалар шоир шеърларига басталанган қўшиқларни куйладилар.

Қутлаймиз!

"Ўзбекфилм" киностудиясида суратга олинган "Тақдид" бадиий филми ижодкорларини (режиссёр Х.Насимов) Москвада бўлиб ўтган "Детектив фест" халқаро кинофестивалининг "Бадиий детектив филм" номинацияси бўйича махсус мукофотга сазовор бўлгани муносабати билан самимий қутлаймиз!

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Ўзбекфилм" киностудияси.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Халқаро "Олтин шерос" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши, "Тонг юлдузи" газетаси таҳририяти, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси 2010 йил 6-7 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Баркамол авлод йили"га бағишланган

БОЛАЛАР НАМУНАЛИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўрик-танлов 2010 йилнинг 6 май куни соат 10.00да Ҳамза Олимжон номидаги Самарқанд вилоят нусхақала арена театрида бошланади.

Ғолибларнинг якуний концерти ва тақдирлаш маросими 7 май куни соат 17.00да Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғининг "Мўъжиза" амфитеатрида бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита

ДАШТ ОДАМЛАРИ

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

ҚЎШРАБОТ

Қўшработ. Бу — мен туғилиб, киндик қоним томган тупроқ. Бу — Эргаш Жуманбулбул, Раҳматулло Юсуф ўғли каби булбулларнинг юрти. Бу — академик Тошпўлат Ширинқуловни етиштирган гўша. Ҳозирги кунда таниқли раҳбар ва моҳир мутахассис бўлиб етишганларнинг кўплари шу тоғу дашт, ястаниб ётган яйловларнинг беғубор ҳавосию меҳрини, зилол булоғу, муздек қудуқ сувини симириб улғайган инсонлардир.

Шу мақтанишнамо таърифнинг ўзиям анча тасаввур берар. Бироқ Нурота тоғ тизмасининг этаклари аро сувли, аниқроғи булоқ суви чиққан сайҳонлик ҳамда адирлар бўйлаб жойлашган ўнлаб қишлоқлар, ғаллазор, кенг яйлов ҳамда қўшработ, Заркент, Жўш қўрғонларида яшаб меҳнат қилаётганлар — юз мингдан ортиқ аҳоли — шу Қўшработ, шу — қўшработликлар. Мамлакатимизнинг деярли барча ўқув ва илмий даргоҳларида фаолият юритаётган ўнлаб фан доктори, профессор, минглаб фан номзодлари (бу гапни муболағасиз айтаётирман) асл фидойилар, шоиру қаламкаш, журналистлар. Булар ҳам Қўшработ фарзандлари.

Хусусий томорқаларни айтмаса бошқа жойлар ҳаммаси лалмикор ерлар. Бу ерларга асосан бошоқли дон экинлари: буғдой, арпа, қисман махсар экилади. Буғдойнинг ҳам лалмига мос "сурхоқ" нави экилади. Бошқа навлардан ҳосил ундириш қийин.

Бултур тумандаги фермерлар чакки ҳосил олишмади. Туман ҳокими Т.Астоновнинг таъкидлашича, 30 центнердан ошириб ҳосил кўтарганлар ҳам бўлди. Бу яқин йиллар ичида қулоқ эшитмаган гап.

Лалмикор ерда яшаётганлар яхши билади: булар — осмонга қараб Худодан имдод кутиб яшайдиган одамлар. Кўклам қуруқ келса — ишлар пачава. Эндигина қулоқ ёзган майсалар ҳам сарғайиб жойида қотади. Дағал хашакнинг тайини бўлмайди. Янтоқ, қўзиқулоқ, бирда-ярим шувоқ сўппайиб қад кўтаради, холос. Қаёққа қараманг — тап-тақир. Чанг-тўзон кўтариб шамол ўйнайди. Булоқларнинг суви камайиб, баъзан қуриб ҳам қолади. Одамлар ташвишга тушади. Айниқса, даштда ғалланинг бўйи ўсмай қолиб кетса, бундан баттари йўқ. Сабаби аҳоли ҳам дондан, ҳам сомондан қуруқ қолади. Рўзғори ободлиги чорва ҳамда буғдойга боғлиқ одамлар қийналиб қолишини тасаввур қилаверинг. 2000 йилдан 2003 йилгача қаторасига уч йил қурғоқчилик келиб, қўшработликлар қай аҳволга тушганларини кўзим билан кўрганман. Минглаб одамларнинг кўнглида унсиз бир ўтинч ётади: "Ёмғир ёғдир, Худойим!"

ЮРТ САРИ

Қаерда бўлсанг ҳам оқ сут бериб ўстирган онанг, бешикда биғиллаб йиғлаганинг пахсадевор уйинг, болалик қадрдонларинг — тенг-тўш жўраю қариндошларингни соғинасан, кўнглингнинг бир чеккаси доим уларга тортиб туради. Гўдаклигингда чанг тўзитиб ўйнаганинг сўқмоғу ёлғизоёқ йўл, дарахт, бутаю тош, жару сайҳонлар, булоқлар — бари-бари гўё тирик қадрдонингдек ойлар, йиллар оша ўзига чорлайди, чорлайверади.

Бу гал ҳам хизмат сафари баҳона атайин бола-чақа билан йўлга чиқдим. Наврўз ўтди. Қўшработда Наврўз ўзига хос сайлга айланади. Самарқанд йўли билан қирлар оша Қўшработга тушиб келаверсанг, даставвал Қўшёғоч қишлоғига дуч келасан. Ўнг томон ниш уриб кўкарган ғаллазор, чап томонинг катта қир, адирлардан иборат дашт. Ана худди шу жойда катта-катта икки камар бор. Камар деганимиз оёқ томони яланглигу қолган томони қирлар билан ўралган жой. Биринчи камар кенг, ёйиқ. Худди шу жойда эрталабдан томошалар, ашулачию спортчиларнинг чиқишлари карнай-сурнай садолари остида бошланиб кетади. Соат ўн-ўн бирларга қараб кейинги камарда кўпкари ўйини бошланади. Чавандозларнинг асл, ҳалол олишуви. Бу ерга самарқандликлардан ташқари қўшни Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан ҳам полвонлар ташриф буюради. Адирни тўлдириб от чопаётган юзлаб чавандозларнинг "ҳаёҳуйт" овозлари, томошабин бўлиб турган минглаб ёшу қарининг "Ҳайда, фалончи полвон!", "Ўрга қараб ҳайда!", "Ўнгга қараб бур!", "Жиловни қўй, қамчини бос, қамчини!" деган даъватли қийқириқларига қўшилиб кетади.

Кўпкари. Аъзалдан, ота-бобомиздан қолган халқ ўйини. Асл полвонман деганларнинг ҳалол олишуви. Шу олишувлар боис "полвон" деб ном чиқарганлар қанча: Исмат полвон, Мустафо полвон, Элибек полвон, Қўлибой полвон. Улар чопган отлар ҳам ўзларидек машҳур: қорабайир, қизил саман, Эргашнинг тўриғи... Лақаблари-чи: "Пистолет", "Сувилон", "Коньяк"...

У полвонлардан бугун ким бор, ким йўқ. Исмат полвон ўн етти йил аввал кўз тегиб кўпкарида вафот этди. Бугун унинг икки ўғли Низом полвон ва Жалол полвонлар ҳар қандай тўдадан улоқни узиб чиқувчи ҳақиқий чавандозларга айланишди. Булар қаторида бугун Шерали, Ғаффор,Ҳусан полвонларни кўриш мумкин.

Бу йилги Наврўзда нақ ер ёрилиб одам чиқди. Тахминан элликолтмиш минг одам тўпланди-ёв. Бу халқнинг ўз ўйинларига нақадар ихлосмандлигини, қолаверса, кайфиятини ифодаламайдими?

ЙИЛБОШИ

Қадимда халқимиз Наврўзни Йилбоши ҳам деган. Бу ном қўшработда ҳануз сақланиб қолган. Қишлоғимизни Қувкалла дейишади. Унга ёндош кичик қишлоқча тағин бошқача — Зулмон ота. У ерда ўттиз хўжалик истиқомат қилади. Йилбошида ҳамқишлоқлар қишлоқ моллари учун чўпон тайин қилишади. Аҳил қишлоқ қирда, бўзлоқда болачақа, аҳли аёлу ёшу қари кўклам таомлари: пидина пичак, ошкади пичак, макка гўжа, сумалак, сўнгра самарқандча серсабзи паловни туширифб олиб, қўлларини артгач, муддаога кўчадилар: хўш, бу йил молларимизни ким боқади?

Албатта, бундай чоғда ўзим туғилиб ўсган қишлоқ одамлари ичида бўлсам ҳам, дарҳол бегоналигим ёҳуд бу кишилар "Тошкентдан келган меҳмон" олдида бу масалани муҳокама қилишга ийманаётгани сезилади. "Бир чекиб келиш" баҳонасида ўчоқ бошидаги тенгқурларим ёнига четланаман...

Бир вақт саксон беш ёшни қаршилаган ҳожи Ашур бобо мени имлаб қолади:

— Ҳой, Собир, бермон кел, масаламиз ҳал!

Борсам, Нуржон деган йигит – жўжабирдай ушоқ молларни боқишни осонгина бўйнига олибди. Қорамолга эга чиқмабди. Майли, буни навбати билан ўзимиз боқармиз, бир ойда бир марта навбат келар экан, эплармиз, дейишибди.

— Ўзимиз ёмон бўпкетганмиз, Собирбой, — дейди Ашур бобо. — Нафсимиз чатоқ, қиру ўрдаги қанча ер бўлса ҳайдатиб, четан ўраб олдик. Бир хиллар азбаройи бошқалардан қизғангани учун ер эгаллаб олган, бирон нарса экмайдиям, ер бузилгани учун ичида бошқа хашак-пашак кўкармайдиям. Ахир шу жойлар аввал яйлов эди-ку. Давлатнинг ўн мингдаб қўйлари, юзлаб қорамолу йилқилари бемалол ўтлаб юрарди-ку. Энди фақат тош-чағат жойларгина қолди. Мол жонивор ўтлай деб четан ошиб кетса борми — кўринг ғурбатни. Шу туфайли чўпон бўламан деб кўкрак кериб чиқадиган ҳам қолмади.

Гап айланиб қишлоқ оқсоқоли ҳақида сўз бўлди. Худога шукр, Зармитан конининг иш ҳажми кенгайиб, юзлаб ёшлар иш билан таъминланяпти. Катта миқдорда маош ҳам олишяпти. Аммо тўйларимиз бор — буларни тартибга олмаса бўлмайди. Йўлларимиз бузилиб кетди — тузатиш керак, ҳар йили сел келиб кўприкларни олиб кетади — ҳашар қилиб бўлсаям одамларни уюштириб, бу ишларни қилиш керак ва ҳоказо.

Ёшлигида чавандоз полвон бўлган Беркин ака Беккулов чўзиб ўтирган оёқларини йиғиштириб бирдан гапга тушиб кетади.

ОҚСОҚОЛ

— Оғайни, одамзотга бош керак, бўлмаса қийин экан. Мана, Президентимиз Ислом аканинг отасига раҳмат! Ўзбекнинг бошини қовуштириб, манаман деган давлат қилди-ку. Шу инсон омон бўлсин, бизни қийинчиликлардан олиб чиқади, ана кўрасан, дер эдим. Ҳай, тепамда Худо, шундай ажойиб кунларгаям етдик — бировдан кам жойимиз борми, а? Айт, кимдан каммиз?

Биз энди дунё кўрмаганмиз. Бола-чақа, кўпкари деб, у ер-бу ерни синдириб, охирги вақтда тайёрлов идорада ишлаб, бировдан нари, бировдан бери — шу жойга етдик. Худойимга минг шукр, болалар уйли-жойли, энг муҳими — замонимиз тинч. Нон, уй, маишат — тинчлик бўлиб турса ўзи келаверар экан эшигингни қоқиб.

Энди, жўралар, мен бир ўтирик айтай.

Кўп йиллар "Пангат" хўжалигининг, "Биопункт"нинг директори бўлган раҳматли Ҳусан Ҳакимовни ҳамма яхши эслайди. Баджаҳл, қўрс деб айтишар эди. Тўғри, биров билан эл бўлиб қўлтиқлашиб кетавермас эди. Тайёрлов идорасида ишлаган вақтимда икковимиз бир-икки ҳамсуҳбат бўлдик. У одам унча-мунчани хуш кўравермасди, лекин мени икки марта ўзи излаб келиб, ҳангома қилиб кетди. Шу ўзимни қўярга жой тополмайман, қўй сўяй дейман, "Ўтир, гаплашайлик, ташвиш тортма", дейди. Охирги гал бир коса шўрвага тегирмони нонни бўктириб олиб, ака-ука обдон гурунгни урдик. "Беркинбой, — дейди, — мен ўзим ишини, қилган яхшилигини миннат қиладиган одамни ёмон кўраман. Бироқ иккитагина миннатимни айтиб қўяй: бир ўзим биламан, бир Худойим билади, бу ёғи ёш ҳам кетди, қаридим, сенга айтсам бўлаверар. Кўп билан ишлаш оғир, ҳалол одамнинг бошини силадим, бироқ нафси ҳакалак отганларни жиловлашдай қийин иш йўқ дунёда. Райком қўймади, Йўлдошбойни хирмон мудири қилиб ишга олдим. Мавсум ярим бўлмай минг синтир ғалла йўқ-да — сотиб еб қўйибди. Ҳамма ишни тўхтатдиму, бориб, "Жами ғаллани тарозига соласан", деб туриб олдим. Совуқ ўтиб кетган боладай даг-даг қалтирайди. Нақ минг синтир кам. "Ака, уйим куйди!" деб йиғлайди. "Нафсингга ўт тушсин, уйинг куйсин! Қамаласан энди!" дедим. Идорага келиб ўйладим: ростданам қамалиб йўқ бўпкетади-ку. Шартта "Қизил қўшин" бўлимининг мудири Жомонбойни чақиртирдим. Беш юз синтир ғаллага акт ёзиб келасан дедим. Пешонасидан ўқлоғдай-ўқлоғдай тер отилди. Нега демади. Акт ҳам, накладной ҳам опкемай юраверди. Бир тўйда ушлаб олдим. Қани қоғоз дедим. Гап нимадалигини билган экан. Аввал директор нафсига қилаяпти деб ўйлаган, Йўлдошбойнинг шов-шуви ёйилгач, баттар жони чиққан, чунки иккови бир-бирини ёмон кўрарди. Лекин ноилож, ўзининг ҳам ўпириб еган жойи кўп, киссасидан қоғозни чиқариб берди. Яна бир-икки муттаҳамгаям шу талабни қўйдим, улар хат-қоғоз қилишди, шуйтиб баччағар Йўлдошбойни қамоқдан опқолдим. Қаридим, балнисада ётиблар чиқдим — қалайсан деб бир марта ҳол сўрамади.

Яна бирини айтай. Накуртлик Хуррам тентакниям омбор мудир қилиб олишга тўғри келди. "Райком бова, — дейман, — бунинг ошқозони чатоқ". "Хўш, ошқозонига не бўпти?" дейди. "Битта эмас, иккита совхозни одам-подами билан қўшиб тиқсангизам тўймайди", дейман. Ўқраяди, мени ёмон кўради. Ишга олдим. Орқасида чуви билан келди. Ферма мудирлигида юзта қорамол, икки юзта қўй-эчкини еб-ютиб юборган экан. Униям ёпдим. Омборни қабул қилгандан бир ой ўтмай қишлик емнинг, уруғлик арпабуғдойнинг ярми йўқ-да. Шуйтиб яна муттаҳамларга кунимиз қолдида. Амаллаб бошқаларнинг ҳисобидан бунинг ҳам жиноятини ёпдик. Лекин кейин бир оғиз раҳмат эшитмадим. Шундай қилган эдим деб бировгаям бир оғиз айтганим йўқ, мана, фақат сенга айтаяпман.

Ҳусан ака нега келди, қўлида ишламаган бўлсам ҳам нега бу гапларни менга айтди — сира тушунмадим. Мана, ўзиям кетдиборди чин дунёга. Лекин, тан олиш керак, Қўшработда неча боғ бўлса шу одам яратди, гуллатди. Пангатнинг ўзини тоғ-қирларгача сув опчиқиб яшнатиб юборди. Йилқини кўпайтириб, Республикада биринчи ўринга опчиқди. Қўшработга Самарқанд томондан кириш жойларини қаранг: неча ўн гектар даштни дарахтзор қилган. ҳосилга кирди. Кўкламда қандай чиройли гуллаб ётар эди. Мана, оқсоқол кетганига ўн бир йил бўпти. Дарахтлари бирин-кетин қурияпти, кесиляпти. Ундан беріям икки ҳоким ишлади, бирови битта боғ яратдими. Яхшининг қадрини ўтгандан кейин билар экансан-да. Аммо ўша гапларини эслаб, ўйлаб туриб айтаман: ҳақиқий оқсоқол ўша одам экан. Баджаҳл деймиз. Бировни ургандир, бировни сўккандир, аммо бурнини қонатмади. Хўжалигидан бир инсоннинг қамалганини эшитганмисиз, йўқ, эшитмагансиз. Бировнинг кесилиб кетишини иснод деб биларди, бола-чақасини ўйларди. У одам ҳамманинг бошини қўшишни яхши биларди. Тўғрилик билан ишлатишни, охири яхшилик билан тугайдиган ишларга бошлаб охиригача олиб боришни эпларди. Ухламаса ухламасди, лекин ишлатмай қўймасди. Шунга яраша маошиниям ундириб берарди.

Ана — оқсоқол! Ана — одам! Биз қариб гўр бўлдикми — ўттиз хўжаликли қишлоққа бир чўпон тайин қилолмаймиз. Ҳай, аттанг...

ЗАРКЕНТ ҚЎРҒОНИ

Ўтган асрнинг 70-йилларида Чормитан деб аталувчи яккам-дуккам уйлардан иборат адир-қишлоқча тез орада ўша даврнинг замонавий шаҳарчасига айланиб қолди. Сабаби, бу ерда геологияқидирув ишлари натижасида катта олтин рудаси заҳираси аниқланган эди.

Кўп ўтмай шаҳарча атрофида олтин қазиб олувчи иккита шаҳта ташкил этилди. Геология-қидирув ишлари яна қизиди. Шундан буён кўп сувлар оқиб ўтди. Чормитан «Зармитан» деб ном олди. Олтин қазиб олувчи ишчилар яшайдиган алоҳида қўрғонча қурилиб, унга «Заркент» дея ном берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарорига кўра Зармитан ва Маржонбулоқ олтин қазиб олувчи рудниклари Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси таркибига киритилди. Бу қарор кон ишчилари ҳаёти ва фаолиятига кенг имконият эшикларини очгани билан тарихий воқеа бўлди. Мазкур объектнинг барча бўлимларида реконструкция, модернизация ва жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 2005 йилнинг август ойида Республика Президентининг Зармитан олтин кони ҳудудининг хом ашё базасини ўзлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда Заркент қўрғони улкан қурилиш майдонини эслатади. Қисқа муддат ичида ишчилар учун махсус ётоқхона, 5 та икки, тўрт қаватли уйлар қуриб битказилди, ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари ҳажми янада кенгайди.

Мазкур қўрғон ҳудудида олтин рудасини ювишга мўлжалланган янги завод қурилиши жадал суръатда давом этяпти. Айни чоғда Зармитан олтин конига махсус ўқув курсларини битирган маҳаллий ёшлар қазувчи, ҳайдовчи, лифтчи ва бошқа ишларга қабул қилинмоқда.

— Йил бошидан бери икки юздан ортиқ ёшлар ишга жойлашишди, — дейди кон директори Бахтиёр Ибрагимов. — Бугунги кунда махсус ўқув курсларини тамомлаётган мутахассис ёшларга эҳтиёж катта. Заркент қўрғонида ишга тушган янги Саноат ва касб-ҳунар коллежини икки йил ичида битирган талабалар ҳам бизга ишга қабул қилинади. Коллежни ҳар йили икки юз нафар атрофида талаба битиради. Шунга яраша иш ҳажми ҳам кундан-кунга ортиб бораяпти.

Ҳа, бу коннинг имкониятлари жуда катта. Муҳими, маҳаллий ёшлар иш билан таъминланаяпти. Оладиган маошлари юқори. Бундан ташқари ойлик режалар бажарилишига қараб мукофот пуллари бериб борилади.

Ишчилар учун турли йўналишларда махсус автобуслар қўйилган. Улар ишчи-хизматчиларнинг ўз вақтида корхона ва уйларига етиб олишлари учун қулайликлар туғдиради.

Қўшработда бу йил ҳам баҳор яхши келди. Демак, ғалла ҳосилидан кўнгил тўқ. Узумчиликка ихтисослашган Оқтепа хўжалигида ҳозир иш қизғин. Дарвоқе, туманда астасекин кичик корхона, хусусий цех, ғишт заводи, мевани қайта ишлаш мини заводлари бирин-кетин иш бошлаётир.

Ёшлар қўл қовуштириб туриш, боқимандалик билан кун кечириб бўлмаслигини англаб етдилар. Юртга олимлар, раҳбарлар ҳадя этаётган бу даштлар яқин келажакда ишлаб чиқариш билан ҳам кўзга кўрина олишига ишонгинг келади.

Собир ЎНАР

ҚАДРИ БАЛАНД СЎЗ

Мулоҳаза

Улкан истеъдод, теран тафаккур маҳсули бўлмиш шундай асарлар борки, улар инсоният маънавиятининг дурдоналари саналади.

Моцарт, Чайковский, Бах каби бастакорлар яратган мусиқий асарларни, Ван Гог, Репин каби мусаввирлар мўйқаламига мансуб суратларни ёҳуд Алишер Навоий, Лев Толстой, Пушкин сингари шоиру адибларнинг бадиий битикларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Албатта, замондошларимиз, юртдошларимиз орасида ҳам буюк ижодкорлар оз эмас. Улар яратган асарларни юксак баҳолаб "санъат асарлари", ўзларини эса "санъаткор", деб атаймиз. Бундан кўриниб турибдики, "санъат" сўзи замирида мукаммалликка, бетакрорлик ва ўзига хосликка нозик ишора бор. Минг афсуски, менинг назаримда, ушбу улуғвор, қадри баланд сўз одамларимиз орасида анчайин жўн ва саёз мазмун касб этиб, фақатгина қўшиқчи ёки рақкосаларга тегишли деган тушунча шакланиб қолаётганга ўхшаяпти.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Микроавтобусда Гулистонга бораётгандик, радио сухандони тиниқ, жарангдор товушда гапириб турибди. Улуғ шоирамиз Нодира ҳақида эшиттириш берилаётган экан. Муаллиф шоирани "дурдона асарлар битган ҳассос санъаткор", деб атади.

Шу пайт олд ўриндиқда ўтирган ўнўн икки яшар болакай ёнидаги аёлга ажабсиниб қаради: "Ойи, устозимиз Нодирани шоира деганди-ку?! Эшитдингизми, у ҳам санъаткор экан. Лекин мен бирорта ҳам қўшиғини эшитмаганман".

Онанинг изоҳи уникидан ҳам ошиб тушди: "Ҳозир айтмай қолган бўлса керак, илгари кўп чиқарди, ҳар қўшиғининг охирига Нодира деб, отини ҳам қўшиб қўярди".

Бу гапларни эшитиб на куларингни, на куярингни биласан. Лекин бундай ғариб тушунча ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Уни шакллантирган омиллар талайгина. "Энди навбат санъаткорларга", — дейишади аксарият тўй-ҳашамларда сўзамол бошловчилар. Албатта, бунда яллачию масхарабозлар назарда тутилиши ҳеч кимга сир эмас.

"Биз санъаткорлар" ёҳуд "санъат оламига кириб келганимда..." каби ифодалар ҳам тез-тез қулоғимизга чалинади. Андак кузатсангиз бундай сервиқор сўзлар эндигина нағмакашликни ўргана бошлаган ёш ашулачининг оғзидан чиққан бўлади. Улар мактабда дурустроқ ўқимаганидан бўлса керакки, атамаларни нотўғри қўллайдилар. Ёки савиялари пастлигидан бир-икки ашула айтган одамни ҳам "санъаткор", дея атаса бўлаверади, деб ўйлашади. Йўқ, бир-икки чала-чулпа қўшиқни хиргойи қилаётганларнинг ҳаммасини санъаткор, деб бўлмайди.

Санъаткор — бу, улуғ, қадри баланд сўз. Буни билмаганларга, билишни хоҳламаганларга бу хатоликни айтишдан чарчамаслигимиз, безътибор бўлиб қўл силтаб қўймаслигимиз зарур. Зеро сўз — хазина, ном — номус, деган нақллар бежиз айтилмаган.

Бугун юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар аждодларимиз адабиёт, мусиқа, меъморчилик соҳаларида яратиб кетган санъат асарларини ҳайратланиб томоша қилмоқдалар. Шундай экан, улуғ даҳоларимиз турган юксакликни муқаддас билишимиз, "санъат" атамасининг маъно моҳиятини тўғри англашимиз, уни қўллашда андак мулоҳазага боришимиз мақсадга мувофиқ.

Марям БЎРИХОНЗОДА,
А.Қодирий номидаги
Тошкент давлат Маданият
институти талабаси

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР МУЛОҚОТИ

Ўтган ҳафтанинг беш куни давомида энг кўркам ва муҳташам кўргазма заллари ва ижод саройлари тасвирий санъат ижодкорлари ва мухлислар билан гавжум бўлди. Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали атрофидаги майдон ва боғда таниқли мўйқалам усталари ва ёш истеъдодлар томошабинлар иштирокида янги асарлар устида ижод қилдилар. Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, миниатюра, фотовидеоарт ва дизайн йўналишида ижод қилаётган ёшларнинг кўргазмалари мухлислар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. "Ёш ижодкорлар куни"да тасвирий санъатнинг турли йўналишларида таълим олаётган ўқувчилар фаол қатнашдилар. Турли мактаблардан келган болаларнинг ижод намуналари ёшлар санъат оламига дадил қадам қўяётганларини яна бир бор намоён этди.

"Тасвирий санъат+5" ҳафталиги доирасида ўтган бундай тадбирларга ёш ижрочилар иштирокидаги концертлар файз киритди. Айниқса, консерватория, санъат, маданият институтлари талабалари, республика ихтисослашган санъат мактаби ўқувчиларининг чиқишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Юртимизнинг таниқли рассомлари Жавлон Умарбеков, Саъдулла Абдуллаев, Ориф Муинов, Равшан Миртожиев ва бошқаларнинг талабалар учун ўтказган маҳорат дарслари ёш ижодкорлар фаолиятида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Санъатшунослар, соҳа мутахассислари, ижодкорлар, талабалар иштирокидаги давра суҳбатларида тасвирий санъат турли йўналишларининг бугунги кундаги ютуқ-камчиликлари, муаммолари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Ҳар бир кун якунида намойиш этилган тасвирий санъат усталари ҳақидаги ҳужжатли филмлар тадбир мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Воқеаларга бой, файзли ўтган ҳафталик юртимизда ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганини яна бир намойиш этди. Тадбирнинг сўнгги кунида ўтган тантанали ёпилиш маросимида тасвирий санъат ҳафталигининг фаол иштирокчиларига медаллар, дипломлар ва совғалар топширилди. Маросимда сўзга чиққан Бадиий академия раиси Т.Қўзиев, тасвирий санъат ҳафталиги ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков ва бошқалар тадбирнинг муваффақиятли ўтишига ҳисса қўшган барча ташкилотлар ва қатнашчиларга миннатдорлик билдириб, ёш ижодкорларга "Баркамол авлод йили"да куч-ғайрат ва ютуқлар ёр бўлишини тиладилар.

Бадиий ижодкорлар уюшмасининг олтин медал ва дипломлари Миллий рассомлик ва дизайн институтига, республика рассомлик коллежига, ихтисослаштирилган мактаб-интернатга, А.Хўжаев номидаги дизайн коллежига; Муниса Абдуллаҳўжаева, Эрик Қулмонов, Улуғбек Абдуваҳобов ва Манзура Пўлатовага топширилди.

Юнусобод дизайн коллежи, Архитектура ва қурилиш институти, Элёр Хайруллаев, Жамшид Бойматов, Мирвоҳид Мирсаидов, Достон Қурбонов, Мирфайз Нуриллаев, Моҳинур Махсумовалар кумуш медал ва диплом билан тақдирландилар.

Шунингдек, яна бир қатор олий ўқув юртлари, коллежлар, талаба ва ўқувчилар бронза медаллари, совғалар ва дипломлар билан мукофотландилар.

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА

Маданий ҳаёт

Ёшлар ижод саройида Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаларининг "Парвоз апробацияси" номли кўргазмаси очилди. Кўргазмада талабаларнинг рангтасвир, фото, видео-арт ва инсталяция йўналишидаги асарлари намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазмада талабалар инсоннинг эркинлик учун кураши моҳияти, унинг бунёдкорлик қудратини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган кўргазма лойиҳа иштирокчиларининг олам ва одам муносабатларига ўзига хос ёндошганлари билан аҳамиятлидир.

С.ТОЛИБЖОНОВА

* * *

Бухоро вилоят қўғирчоқ театрида Гулчеҳра Бонунинг "Дўстлик ҳамиша ўзар" эртак-пиесаси (режиссёр Беҳзод Камолов) намойиш этилмоқда. Бош ролларни Аҳад Жумаев, Ойсулув Кенжаева, Шерзод Ҳасанов, Элвина Ҳамидова, Нодира Раҳматова, Ольга Чудновец, Бахтиёр Салимов, Беҳзод Камолов ва Альфия Вайзилхоновалар ижро этмоқда. Театрда Ҳайитмат Расул ва Эсонали Ўриновнинг "Жайрон" эртак-пиесаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ғайрат Ҳамроев саҳналаштирган янги асар болажонларни табиат ва жониворларни асраш, эъзозлашга даъват этади.

М.КАРИМОВА

"ТЕАТР"

Журналларни варақлаганда

"Театр" журналининг шу йилги март-апрел ойлари сони босмадан чиқди.

Журнал Ўзбекистон давлат санъат институти профессори Т.Исломовнинг "Эл севган санъат" мақоласи билан очилади. Д.Қодированинг "Темурийлар даврида мусиқа санъати", Р.Турсуновнинг "Европа драматургиясида Амир Темур образи" сингари мақолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Журнал саҳифаларидан Р.Абдуллаевнинг "Оҳанглар мусаввири", А.Носирова ва Р.Жуманиёзовларнинг "Мерос ихлос", Э.Раҳимовнинг "Ғазалу нақш айтур дарди", Н. Исмоиловнинг "Экранда санъат дунёси", Н.Эргашеванинг "Устозлар изидан", Т.Аҳмедовнинг "Саҳна безаги устаси", Ж.Мартиросовининг "Ижод ва имконият", К.Азимов ва Отаевнинг "Ибратли умр", А.Ҳошимовнинг "Беором қалб", Л.Ғаффоровнинг "Қўшиқнинг иси", М.Хожиматовининг "Ижод — ҳаёт мазмуни" сингари мақолаларида бугунги ўзбек театри, режиссура, ижро маҳорати ва мусиқа олами ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланади.

Шунингдек, саҳна санъатининг таниқли намояндалари портретларига чизгилар ҳам чоп этилган. С.Цойнинг "Ёркин саҳифа" мақоласи Ўзбекистон халқ артисти Н.Ҳошимов ижодига бағишланган. Н.Эргашеванинг "Устозлар изидан" мақоласи профессор А.Убайдуллаев фаолиятидан ҳикоя қилади.

Булардан ташқари вилоят театрлари ва республикамиз маданий ҳаётига оид янгиликлар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган.

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Юртимни мадҳ айлар булбуллар

ЎЗБЕКИСТОН

Бу дунёда манглайи оқ бир юрт бор,
Бетакрордан бетакрорроқ бир юрт бор.
Қўлни бер деб, дунёларга қўл чўзган,
Боши баланд, нияти пок бир юрт бор.
Бу диёрни Ўзбекистон дейдилар,
Олам аро Чаманистон дейдилар.

Бу диёрда тонглар отар осуда,
Бешигида гўдак ётар осуда.
Бу ўлканинг жамолига тўймасдан,
Шафақланиб офтоб бўтар осуда.
Меҳнат боис омад кетмас қўлидан,
Ўзбекистон борар равнақ йўлидан.

Минглаб азиз-авлиёси бор унинг,
Олам аро ўз баҳоси бор унинг,
Ёрқин-ёрқин манзилларни қўзлаган,
Ўз соҳиби, раҳнамоси бор унинг.
Мадҳиясин эшитиб булбуллардан,
Бу юрт борар ойдин-ойдин йўллардан!

Минг йилларки, яшаб келар у ҳалол,
Минг йилларки, келмас ҳеч кимга малол,
Теран томир, эли моҳир бу диёр,
Яна бўлгай баркамолдан баркамол.
Маҳкам тутиб кашфиётнинг қўлидан,
Ўзбекистон борар ижод йўлидан!

Туроннимиз, Темуриймиз асли биз,
Аслимизга қараб кетар наслимиз.
Эгам ўзи сайқал берган замин бу,
Баҳорийдир, баҳорий тўрт фаслимиз!
Маҳкам тутиб диёнатнинг қўлидан,
Бу юрт борар бунёдкорлик йўлидан!

КЕЛИНЧАККА

Беланчакда ётар гўдагинг,
Унга ўзинг ато этдинг жон.
Бешигимда оддий гўдакмас,
Ётибди де ҳазрати Инсон.

Юзларидан яна ўпиб қўй,
Кўзларига теранроқ тикил.
Бу оддий бир чақалоқ эмас,
Ушбу юртнинг эгаси деб бил.

ШУНҚОР БЎЛ!

Йигит бўлсанг, шунқордек бўл,
Бўл лочину бургутдек.
Жонон қизлар, гулрухсорлар
Тушларига киргудек.

Йигит бўлсанг, зўр ишларга
Мардонавор шимар енг.
Саботларинг, шиддатларинг
Яшинларга келсин тенг.
Йигит бўлсанг, қоматларинг
Қилмай кўз-кўз, намойиш,
Пешонангдан терлар тўкиб,
Севгилингга кўрин хуш!

Қизлар кўнглин билар бўлсанг,
Унутмагин ҳеч шуни:
Зебу зийнат мафтунимас,
Қизлар — мардлик мафтуни.

Йигит бўлсанг, шунқордек бўл,
Бўл лочину бургутдек.
Жонон қизлар, гулрухсорлар
Тушларига киргудек!

ДЕҲҚОН ДАЛАСИ

Сарсари шамоллар дамидан тўзиб,
Булутлар самода ҳар ён суринди.
Еллардан титраган бўйнини чўзиб,
Ариқлар лабида майса кўринди.

Яна бутоқларда қушларнинг базми,
Ерда ҳам жамики жонзот ғимирлар.
Баҳор деб аталмиш бу фаслда, расми,
Яна бир гуркираб олур умрлар.

Уфқлар кўринар мовий, мусаффо,
Ел урар димоққа ялпиз тотларин.
Унут бўлиб кетар яйраб десанг "оҳ!",
Қишнинг рутубатли хотиротлари!

Офтоб ҳам ғамзани ортиқча билиб,
Олтин кулгуларин тўкди заминга.
Деҳқон бўрсилдоқ ер тўшини тилиб,
Куйманар...
Дақиқа ғанимат унга!

Тупроқдан таралар майин, хуш нафас,
Ернинг нафаси бу, сирли ҳовур бу.
Ҳа, у орзуларин айтмоқда бесас,
Унинг армони бу, унсиз ғовур бу!

Эркаланиб ўзин димоққа урар,
Оҳиста сийпалаб ўтар манглайни...
Эҳ, бунинг тотини билганлар билар,
Буни далаларни севган англайди!

Сарсари шамоллар дамидан тўзиб,
Булутлар самода ҳар ён суринди.
Чексиз уфқларга тикканча кўзин,
Яна далаларда деҳқон кўринди!

ШАРҚОНАДИР

Ул хулқи хуш санамнинг ҳаёси шарқонадир,
Қошлар остида чашми сиёси шарқонадир.

Қизил гул новдасидек нозик қомати бирла
Оҳанрабо мисоли ороси шарқонадир.

Кўрку ҳуснни бунча бисёр берибдир тангрим,
Ол чеҳрасин жилваю жилоси шарқонадир.

Идроки ҳусну зако сиймосида жам эркан,
Ҳар бир сўзу суханин маъноси шарқонадир.

Арзу ҳолимни нечун тинглашни истамайдир,
Бошимга тушган ишқин савдоси шарқонадир.

Шарқда гўзал холи-чун юртлар қилинган иньом,
Бу санамнинг, эҳтимол, баҳоси шарқонадир?

Холи учун Охунжон шаҳар беролмас вале,
Васлин тилаб қилгувчи дуоси шарқонадир.

Икром ОТАМУРОД

РУҲИМДА СУКУТ САҚЛАГАН МЕН...



* * *

Ватан сўзин йўғирмасдан рангларга,
жилоларга буркамасман қатма-қат.
Фақат,
борча бор рангини англарга
канглум рангин пайванд айларман фақат.

Ватан сўзин бўлмасман бўлакларга,
чоғламасман нисбатларга пешма-пеш.
Фақат,
борча бор борлиғин тилакларга
канглум борлиғи-ла эттум мудом хеш.

Ватан сўзин тусламасман тусларга,
ёлғонларга чулғамасман ҳеч қачон.
Фақат,
борча бор ростлигин ҳисларга
канглум ростлигин бахш қилгайман ҳар он.

Ватан сўзин йўймагайман хилларга,
йўриғларга этмагайман рой,
билло.
Фақат,
борча бор нигоҳин биларга
канглум нигоҳи-ла қарайман,
илло.

Ватан сўзи —
канглум моҳияти,
бас,
қуроқ илинжлардан канглум қақшайди.
Канглумда
Ватан сўзигина эмас,
Канглумда
Ватаннинг ўзи яшайди.

* * *

Қуёш ёнбошлайди қиблага ҳорғин,
мислсиз йўл юрган йўловчидек сус.
Уфқ деворлари қизарар торғин,
руҳим вужудидан томғилар афсус.

Шовқин эшиклари ёпилар бутун,
осмон мунғаяди,
замин тишлар тил.
Гулханлар сўнади,
бурқсийди тутун,
қулларни кўкларга совуради ел.

Қундуз чодирини йиғади беҳол...
Ширин бир тушларга боғлаб умидин
тўрғайлар сукутга чўмади,
алҳол,
мўғжаларда мудрар қўзигул ҳиди...

* * *

Сен йўлингни йироқ олган дам,
Яқин келиб тиллашар армон.
Воҳким,
армон мужгонида нам,
воҳким,
армон қалбида гирён.

Армон — дилда қотган сукунат,
ғижимлайди кўксимни ингир.
Умидимнинг қатига қат-қат
чирмовуқлар чирмайди чингир.

Рўпарамда йўли беадад,
юрагимда чатнар довуши —
армонингдур канглумга мадад.
номинг айтолмаган бувишим.

Сен йўлингни йироқ олган дам,
яқин келиб тиллашар армон.
Воҳким,
армон мужгонида нам,
воҳким,
армон қалбида гирён.

* * *

Учрашдик,
кўзларим нурларга тўлди,
ёришди туманлар қоплаган канглум.
Олам-да,
бир ажиб мунаввар бўлди,
бамисли зийнатга йўғрилган янглиғ.

Қоб яқин,
тўкилар маъсум шуълалар,
масъум нигоҳларинг қарошларидан.
Учру алдади изғитиб,
алдади йўллар,
ҳижроннинг бешафқат тарошларида.

Неча бор тилларни куйдирди, хайр,
дилларни йиғлатди ғам қона-қона.
Бу — балки охирги дийдор,
балки охирги сайр,
неса-да,
барибир,
учрашдик яна...

* * *

Сен мени билмайсан —
билмагани каби
шамол қояни.
Сени мени билмайсан —
билмагани каби
чақмоқ дарахтни.
Сен мени билмайсан —
билмагани каби
дарё соҳилни.
Сен мени билмайсан...
Билмайсан —
руҳимда
сукут сақлаган менни...

* * *

Ҳамма жойда бўлиш — нодон ишгиёқ:
ожизлик сираси,
худбинлик тарзи.
Бир вужудда макон тутмас ҳаммаёқ,
бир қалбга жо бўлмас борлиқнинг марзи.

Пайдолик илинжи дуч келган ерда,
дуч келган супада ўтириш ҳаваси,
хонада ғарибу
майдонда шердай
учраган суқбадан қараш шеваси...

...Борки чорраҳада,
борки йўлакда
муҳайё йўсини бўлиш атайин,
ҳали,
мавжудликдир фақат тилакда,
этмас ҳамма жойда борликни тайин.

Булар бари
ташқаридан ташқарида,
шунчайинким,
шамол йўриғига ҳамдам.
Афсус...
Ичкарида йўқ...
Ташқарида
ҳамма жойда бордай кўринган одам.

* * *

Кундузи ой фалак тоқида
осилиб турган чағир тош.
Хира тортиб, маъюс боқади,
кўкка сингиб, шуъласи одош.

Чиройи тўкилиб боради,
нигоҳида қотар бужур ёш...
Кундуз қуёш нури сарадир,
чунки, кундуз сулуви — қуёш.

Қарошларни зорлатиб зорлар —
тун бағрида гулгун бўлуви:
ой фақат тунда тўлиб порлар,
ой фақат туннинг сулуви.

Ҳалим КАРИМ

Онам ҳиди келар...

* * *

Салом дейман тушиб поезддан,
Кўкрак кериб оламан нафас.
Атроф қараб сезаман бирдан
Ҳеч бир одам менга ёт эмас.

Юртим бағри мен билан тўлар,
Онам ҳиди келар ўлкамдан.
Ўғлим, дея қуттандай бўлар,
Ўзбекистон қучиб елкамдан.

* * *

У ҳар кун шу йўлдан ўтади,
Қадрдон эшикдан кўз олмай.
У ҳар кун шу йўлдан ўтади,
Қўнғироқ тугмасин босолмай.

Дарпарда ҳилпирар ўттанда,
Насимини сезмайди қурғур.
Қадамлар олислаб кетганда,
Кўзлар қолар аламли, дилгир.

Ҳижрон қучиб йиллар ҳам ўтди,
Кўзлар толди йўл қараб муштоқ.
Дарпардалар сарғайиб кетди,
Ишламасдан қолди қўнғироқ.

Одатий кун, оддий бир оқшом,
Ланг очилди таниш дарвоза.
Сабр уйин тўлганин тамом
Карнай-сурнай қилди овоза.

Дўмбиранинг ошкора доди
Тушкун қалбга бир журъат солди.
Машиналар кетидан чопиб,
Ёшларига суяниб қолди.



Маъсум қизлар айтдилар ёр-ёр,
Ким йиғлади, ким бақан тутди.
Кимдир оппоқ кўнгилга илк бор
Бир севгининг тарихин битди...

* * *

Севги изҳор қилиб қочдим мен,
Шўх ёшликнинг тонгида бир кун.
Жаҳл билан қувиб қолдинг сен,
Ҳам нозланиб қилдинг табассум.

Армон билан ўтди ҳам йиллар,
Ҳамон сенга интилар юрак.
Болликни кўмсайди диллар,
Вақтни ортга қайтармас фалак.

Қора куйлак кийганда осмон,
Юлдузлардан топаман ошно.
Ғафлат сени енгганда, ҳамон
Сен ҳам мени эслайсан танҳо.

ДИЛКАШ ВА ТОПҚИР ЭДИ

Устоз Толиб Йўлдошни хотирлаб

Ёднома

2000 йилнинг май ойида Толиб ака билан учрашганимизда устоз "Ўзим ҳақимда" сарлавҳали икки саҳифадан иборат мақолани қўлимга тутқазди. Биз уни кейинроқ, "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"нинг биринчи жилдига, шеърларига илова қилиб киритдик.

Орадан кўп ўтмай, Толиб ака ишхонамга келди. Бирга тушлик қилдик, йўл-йўлакай у киши одатига кўра, нашриётда ишлайдиган таниш қизларга қурт, майиз улашди. Шу маҳал шоир Султон Жаббор учраб қолди. Сўрашиб бўлишгач, устоз:

— Турсунбой, биз Султон билан ҳамқишлоқмиз, — деб қолди.

— Қўйсангиз-чи, тунов кунги таржимаи ҳолингизда 1919 йилда Тошкентнинг Ҳовузбоғ маҳалласида туғилганман, — деб ёзгансиз-ку!

— Окоси, тўғри, аммо отам Чустнинг Олмос қишлоғидан бўлади. Деҳқончилик юмушлари билан шу томонларга келиб қолган.

Асли Толиб ака билан устозим Қудрат Ҳикмат 1960 йилнинг август ойида таништирган. У пайтлар ҳар икковлари Чилонзорда қўшни туришарди. Орадан икки йил ўтиб Абдувоҳид Мулламуҳамедовнинг хонадонида ҳам гурунглашганмиз. Тошкентга хизматга келганимдан сўнг, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Тақдир тақозоси билан Толиб аканинг "Бобоёнғоқ" деб номланган китобига муҳаррирлик қилишимга тўғри келган. Ўшанда у кишининг топқир шоир, билимдон инсон эканлигига тан берганман.



Адабиёт мухлислари зукко шоир, устоз Асқад Мухторнинг "99-миниатюра"сини яхши эслашади. Анча шов-шувларга сабаб бўлган мазкур асардан кейин, Толиб аканинг "101-миниатюра"си китобхонларга тақдим этилди. Бу ўз навбатида икки улуғ ижодкорнинг шеъриятимиз майдонидаги ўзига хос мусобақасига айланганди. Толиб Йўлдош ана шу тўплами орқали катталарнинг ҳам улкан шоири эканини исботлагани учун Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов қуйидаги тўртликни Толиб акага беҳудага бағишламаганини англаймиз.

Шеърнинг сози тўрт сатр,
Тўрт ажойиб, зўр сатр.
Шоир одам ўзини,
Тўрт сатрда кўрсатур.

Устознинг кенжа фарзанди, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Маллаббой билан соатлаб мушоира қилиш мумкин. У падари бузрукворининг фалсафий руҳдаги шеърларини ёддан, ифодали ўқишни маромига етказади.

— Давралардан бирида мезбонлар дадамни тўрга, юқорига ўтинг, — деб қолишди.

Хокисорлик, камтарлик қонига сингиб кетган дадам атрофида қўл қовуштириб турганларга қараб ушбу тўртликни ёддан ўқиб берган эдилар:

Мени шоир дерлар, шубҳасиз,
Шоирман-у, ўрним кейинроқ.
Йўқ, олдинроқ туришим мумкин,
Лекин, кейин туриш қийинроқ.

Толиб акадаги сўзамоллик, топқирлик, машрабона суҳбатлар фақат у кишининг ўзига жуда ярашарди. Ошиқча даҳмазаларга ҳуши йўқ эди. Бирор нарса илинжида патаки-пайтава бўлишни ёқтирмасди. Аммо болаларга шеър ёзишда замондошлари орасида юксак ўринда турганлигини айтиб ўтмасак инсофдан бўлмас.

Толиб ака менга Қудрат Ҳикматдан кейин, энг яқин оғаларимдан бири бўлиб қолганди. Тез-тез суҳбатлашиб турганимиз учунми, кунларнинг бирида устознинг услубида қуйидаги ҳазил шеърим газетада босилиб чиқди:

Саксон ёшли, бароқ қошли
Толиб акам.
Шеър бобида бахшиёна,
Ғолиб акам.
Суҳбат қурар бозордан ҳам
Қолиб акам.
Мусалласдан қиттай-қиттай
Олиб акам.
Ғазал ўқир Шоҳ Машрабдан,
Ёниб акам.
Ўта дилкаш, ўтирмайди
Нолиб акам.
Шапкасини қийшайтириб
Хайрлашар.
Шогирдларин суҳбатига
Қониб акам...

Толиб акани хафа қилиб қўймадиммикин, деган истиҳола билан кўпга қадар у кишига кўринмай юрдим. Шу орада Султон Жаббор қўнғироқ қилиб, Толиб аканинг тоби қочганини айтиб қолди. Биргалашиб Юнусободдаги уйларига бориб, устозни зиёрат қилдик. Хайрият, кўнгилларига олмабди. Қайтага:

— Окоси, ўзларига ҳам жавоб ёзиб қўйдик, — деб, қўлимга шеър тутқазди:

Саксон учни қораладим,
Ёлғони йўқ.
Қошим пахмоқ, сочим эса
Қолғани йўқ.
Борадиган сўнгги манзил,
Азал тайин.
Куйиб-ёниб ўтаркансан
Шаҳамдайин.
Ёшлик гулдан тайёрланган
Шароб экан.
Қариганда қилган ишинг
Хароб экан.
Ота юртим Чуст шаҳрининг
Олмосидан.
Ўргилсам оз аноридан
Олмасидан.
Қирғиз укам, ёлғиз бошинг
Тошдан бўлсин.
Мартабанг ҳам Олатоғдан
Ошган бўлсин.

Ўша куни Толиб ака бизни кузатар экан:

— Шошма, сенларга Олмоссойдан олиб келган совғамни кўрсатаман, — деб дераза рахига осиб қўйилган бўз халтани очиб, — окоси, ота юртнинг сойларидан териб келтирилган қайроқ тошлар менинг учун олтиндан ҳам қиммат, — деб, икковимизга биттадан қайроқ тош совға қилди.

Устоз Толиб Йўлдошнинг ижодкор сифатидаги фазилати, топқирлиги, панд-ўгит тарзидаги шеърлари ҳам ўқувчига малол келмаслиги, енгил юмор асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. Одам танламасди, борига бозор қиларди. Айниқса, Машраб ва Ҳувайдо ғазалларини ихлос билан ёддан айтарди.

Орадан бир йил ўтиб, 2002 йили Толиб ака оламдан ўтди. Бир-биридан қувноқ ва пухта шеърлари бизларга мерос бўлиб қолди.

Шоир Толиб Йўлдошнинг ўзбек болалар адабиётига қўшган улкан меҳнати ҳукуматимиз томонидан эътиборга олиниб, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Турсунбой АДАШБОЕВ

БИЛДИРИШ

Шу йил 4 май соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг (Ўзбекистон кўчаси, 16а-уй, 6-қават. Тел: 227-08-31, 227-08-30) Ёшлар билан ишлаш бўлими Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши билан ҳамкорликда "Болалар адабиёти: бугун ва эртага" мавзусида давра суҳбатини ўтказади. Тадбирда ўзбек болалар адабиётининг таниқли намояндалари ва болалар нашрлари вакиллари иштирок этади.

Давра суҳбатига барча қизиққанлар таклиф этилади.

* * *

5 май куни соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотда ёш ижодкорлар томонидан тақдим этилган қўлёзмалар муҳокамаси ҳамда мушоира ўтказилади.

Барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Маданий ҳаёт

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида "Баркамол авлод йили" муносабати билан "Устоз сабоқлари" тадбири ўтказилди. Халқ мусиқа ижодиёти факултети талабалари иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда "Сўғдиёна" камер оркестри бадиий раҳбари Феруза Абдураҳимова бадиий жамоаларнинг маҳоратини ошириш, кўп овозли асарлар яратиш, иқтидорли ёшларни етук мутахассис қилиб тарбиялаш хусусида фикр юритди.

Н.АСАДОВА

* * *

Наманган маданият коллежининг "Ниқол" ҳаваскорлик театр труппаси Насрулло Қобул қаламига мансуб "Ношукурлар" спектаклини мактаб ўқувчиларига намойиш этди. Ролларни коллеж талабалари ижро этишган бўлса-да, ҳар бир рол мутахассислар томонидан профессионал ижро, сифатида баҳоланди.

Ҳ.БУРҲОНОВ

* * *

"Навоий ижодининг мухлисиман", дейди таниқли немис адибаси Женни Эрпенбек пойтахтимиздаги Гёте институтида ўтказилган учрашувда. Женни Эрпенбек хонимнинг Берлинда чоп этилган "Макон истаб" (2008 йил) романи тақдимоти Германиянинг Роберт бош фонди, "Келажак ҳамкорлари мактаби" ҳамда Гёте институти томонидан ташкил этилди.

Асар таржимони Ҳафиза Қўчқорова романда илгари сурилган ғоя ва фикрлар ҳақида сўзлаб берди. Немис адибасининг юртимизга ташрифи Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги китобхонлик кечаларига уланиб кетди.

"Туркистон-пресс".

НУКТАДОНЛИК САНЪАТИ

Китоб ўқишнинг, китобхонликнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, ёзамиз. Бироқ китобхонлик маданияти, хусусан, мумтоз шеъриятимиздан чинакамига лаззатланиш бахтига барчамиз бирдай муяссар бўла олаяпмиз, деб айтолмаймиз.

Зеро, мумтоз шеъриятимиздан бадиий-эстетик завқ олиш китобхондан, аввало, ҳар бир байтни тушуниб ўқиш, "қийин" сўзлар маъносини аниқлаб, сўнгра ғазал таҳлилига киришишни талаб этади. Бу жараёнда, шунингдек, байтнинг зоҳирий-дунёвий мазмунини тушуниш, нуктасини аниқлаб олиш лозим. Нукта — янги фикрий кашфиёт, демакдир. Яъни бир ҳаётий хулоса, оҳорли ўхшатиш ёки истиора, кутилмаган муболаға, мақол ва матал воситасида фикрни жонлантириш, фавқулодда янги фикр айтиш нукта бўлиши мумкин.

Қолаверса, байтдаги бадиий тасвир воситалари: маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатлар иштирокини аниқлаш, уларнинг кўпмаънолик, таъсирчанлик хусусиятларини ҳис этиш лозим. Байтнинг ботиний-тасаввуфий мазмунини идроклаш, байт ғазалда воқеабандликка тобеми ёки мустақилми, байт нуктали-ми, нуктасизми — буларни билиш, ўрганиш китобхонда нуктадонлик — фикрий кашфиётларни идрок этиш қобилиятини шакллантиради.

Газетхонлар бобурийларнинг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ Зафар ҳақидаги кинофилмнинг бир лавҳасини эслашса керак. Унда Баҳодиршоҳ ғазал ўқиётганида ҳар бир байтдан сўнг бир муддат тўхтайди. Тингловчилар бир овоздан уни "Ваҳ! Ваҳ! Ваҳ!", дея олқишлайдилар, яъни байт мазмуни ва ундаги оҳорли фикрий кашфиётга — нуктага қойил бўлганликларини шу тариқа изҳор этадилар.

Мен олимлар, шоирлар, талабалар ва ўқувчиларимизга мумтоз шеъриятимиз намуналаридан ана шундай лаззатланиш одати ёр бўлишини орзу қиламан. Чунки ғазалнинг ҳар бир байтида ҳаётий бир фалсафий фикр, жозиб бир туйғу, кўнгилдаги руҳий тугуннинг ажиб ифодаси ёки ечими, кучли ахлоқий-таълимий фикр лўнда талқин этилган бўлади.

Ушбу мулоҳазаларни ёзишга ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллоҳ нашрга тайёрлаган мумтоз шоиримиз Атойининг "Девон"и ("Фан" нашриёти, 2008) туртки берди. С.Сайфуллоҳ "Девон"га сўзбоши ёзган, уни луғат ва изоҳлар билан таъминлаган. Нашрга филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққулов масъул муҳаррирлик қилган.

Ҳазрат Алишер Навоий Мавлоно Атойининг қуйидаги бир ғазалини ўқиб, бежиз "Ваҳ! Ваҳ!", деб юборманглар-да, ахир:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Гоятки нозуклугиндин сув била ютса бўлур.

Қаранг, қандай ажойиб жозибали манзара, сеҳрли шоирона талқин ва халқона ўткир ўринли ифода! Бир байтдаги, тўғриғоғи, шоҳбайтдаги шоир маҳоратига тан бермай илож йўқ.

Ўша ғазалнинг навбатдаги байтига келсак:

То магарким, Салсабил обина жавлони қила,
Келди жаннат равзасиндин оби Кавсар сори ҳур.

Мазмуни: *афтидан, жаннат боғидан чиққан ҳур Салсабил булоғида чўмилиб олиб, Кавсар ҳовузи қирғоғига келганга ўхшайди.*

Гўзалнинг поклиги ана шу байтда ажойиб ташбеҳ воситасида китобхонга етказилган. Ўқувчи шоирга, унинг маҳоратига лол қоладики, Атойи ҳурни жаннат боғидан чиқариб, Салсабил булоғига чўмилтириб, Кавсар ҳовузи қирғоғида намойиш этмоқда.

Киши пок бўлиши учун қўлларини сув билан ювиб тозалайди. Атойига тасаннолар айтайликки, ўша ғазалдаги санам қўлини тозалаш учун эмас, балки сувни поклаш, тозалаш учун қўли билан ювади!

Ул иликким, сувдин ориқтур, ювмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.

Мазмуни: *унинг қўли сувдан тозадир. Шунинг учун у қўлини сувда ювмайди, балки сувни пок бўлсин, дея қўли билан ювади.*

Бундай талқиндаги фикрий кашфиётдан ким ҳам ҳайратга тушмайди дейсиз?! Мазкур шоҳбайт мазмунини идрок этолган одам, ҳеч бир шоир ёки мутафаккир ҳануз айта олмаган ушбу янги фикр қимматини баҳолай оладиган инсон ўн маротаба "Ваҳ! Ваҳ!", деса ҳам арзийди.

Қайд этилган уч байтдаги қизлар тимсолини эслайлик. Биринчи байтда чиройли санамнинг дарё бўйида ўлтирганини кўрдик. Иккинчи байтда эса, жаннат боғидан чиққан ҳур Кавсар ҳовузи ёнига

Ўзбек мумтоз адабиёти

келди. Учинчи байтда у сувни поклаш учун қўл ювмоқда. Тўртинчи байтда сеҳргар шоир аввалги байтлардаги қиз ва ҳурни энди сув қизига айлантиради:

Энди билдим рост эрмиш, балки кўрдум кўз била,
Улки дерлар сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Мазмуни: *энди билдим, ҳатто ўз кўзим билан кўрдим, "Сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринади!", деганлари рост экан!*

Мутафаккир шоирнинг ўзини соддага олиб: "Энди билдим, ҳатто ўз кўзим билан кўрдим!", дейишининг ўзи бир ажиб санъат! Ҳар бир байтдаги туркона соддалик, шоирона сеҳргарлик ва мутафаккирона кашфиётчилик тантаналари бутун ғазал давомида кузатилади.

Ғазал мақтаъи — хулоса байтда маъшуқа тимсоли тамоман дунёвийлашиб, лирик қаҳрамоннинг севгилисига айланади ва унга иккинчи шахс сифатида мурожаат этилади:

Қошларинг ёсин Атойи кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сурайи "Ёсин" ўқур.

Мазмуни: *камондай қошларингнинг ҳуснда ягоналигини кўриб, Атойи тонг пайти меҳробда "Ёсин" сурасини ўқийди.*

Байт мазмунида ифодалаш имкони бўлмаган таҳнис санъати мақтаънинг латофати, фикрий кашфиёти — нуктасидир: "Ёсин" — қошларнинг ёйи (камони) демакдир. Кейинги мисрадаги сура номи — "Ёсин" олдинги "ёсин"га шаклдошдир; маънолари эса ҳар хилдир. Китобхон буни идрок этиб, Атойининг юксак маҳорат билан сўзларни жинсдошлаштириши — таҳнис санъатини яратишига тан беради.

Аслида шоир халқона "тоқ" сўзини бежиз қўлламаган: "ҳусн ичра тоқ" — ҳуснда (энг юксак) осмон, деган маънони ҳам жойлаб юборганки, бундан адабиётшунос "тоқ" сўзида Атойининг ийҳом санъатини қўллаганидан воқиф бўлади.

Атойининг бизни "Ваҳ! Ваҳ!"лашга мажбур этадиган қуйидаги байтида "шаҳбайт" истилоҳи ҳам қатнашган:

Хатмудур ул юз уза, ё котиби ҳусну жамол,
Сафҳайи гул узра қилди лутф шаҳбайтин савод.

Байтнинг идрокини осонлаштириш учун аввал "қийин" сўзларни луғатлар билан таъминлайлик: хат — юқори лабдаги нозик майин туклар; уза — устида; юз уза — юзда; сафҳа — саҳифа, қоғоз юзи; савод — қора; қора сиёҳ; қилди савод — қоралади, ёзди.

Шаҳбайт — шоҳбайт: нукта — фикрий кашфиётчи, бадиий юксак ва ўта таъсирчан ҳамда теран мазмунли байт.

Байт мазмуни: *унинг юзидаги майин тукларми? Ёки ҳусн ва жамолни акс эттирувчи котиблар гул япроғига латофат шоҳбайтини ёзганларми?*

Албатта, бу қуруқ мазмун баёнида Атойи байтининг тўкис мазмунию ажиб жаранги ва шеърий латофати мўъжизаларини ифодалай олмаймиз. Бироқ шоирнинг ушбу байтини тўғри идрок этган киши, албатта, ҳайратга тушишига имонимиз комилдир.

Мумтоз адабиётни тушунишдай улуғ бахт соҳиби Атойининг аксарият байтларини ўқиб, "Ваҳ! Ваҳ!"ламай иложи йўқ. Ҳатто жажжи байтда ҳам шоир китобхон идрокини ларзага солади. Тасаввур этайлик: мумтоз адабиётда қиз лаби қизил, алвон рангда талқин этилиши — анъанавий. Шунинг учун у ё қонга ўхшатилади, ё "қон" сўзи иштирокида таносуб санъати яратилиб нуктапардозлик — фикрий кашфиётчилик қилинади:

Лабинг қоним тўкарга ташналабтур,
Дами Исою ўлтурмак ажабтур.

Қонга, бировнинг жонига ташна бўлиш даҳшатини тасаввур этинг. Бу сифат ва туйғу ашаддий қотилларга хосдир. Шоир талқинича, қизнинг лаби ошиқ қонини тўкишга ташна! Қизлик латофатию... ана бу даҳшатли туйғу уйқашлигини қаранг!

Лабларинг нафаси — Исо Масиҳ. Яъни қизнинг лабларидан чиқаётган нафаси одамзодни тирилтирадиган Исо Масиҳу... унинг одамни ўлдириши эса... ажабланарли-ку?

Бу байт мазмунидан китобхон нега ҳайратга тушади? Чунки маъшуқа — ошиқнинг жонидир. Жондан севган қизи эса, йигитнинг қонига ташна! Ана шу обиҳаёт манбаи ошиқни ўлдиришга ошиқмоқда!

Шундай даҳшатли қисмат истиқболида бўлса-да, ошиқ: "Жоним сенга қурбон!", деб ёр бўсағасига бошини қўймоғи шарт. Йигитнинг бу остонадан бошини кўтариши муҳаббат қоидасида одобсизлик, вафосизликдир:

Кўтармак бошни маҳбуб эшикиндин,
Муҳаббат бобида тарки адабтур.

Ваҳ! Ваҳ!

Мумтоз шоирларимиз хипчабеллик қизлар кўрк-латофатининг муҳим кўринишни эканлигини инобатга олиб, ёр белини қилга ўхшатишади, форс адабиётида "хипчабел" тушунчаси "мурчамиён" (чумолибел, бели чумоли белидай) сўзи билан ифодаланади. Атойи ёр белига нисбатан мутлақо янги, оҳорли ўхшатиш (ташбих) кашф этади. Ёрнинг ингичка бели хусусида арибел — бели ари белидай, дейди. Бу ҳам маҳорат соҳасидаги нуктапардозлик — фикрий ихтирокорликдир. Куйидаги байтни тўрт қисмдан иборат деб қарасак, дастлабки уч қисми анъанавий ташбиҳлар ва муболағадан иборат, тўртинчи қисм новаторлик — таждиддир:

Санингдек ҳусн ила ҳуру пари йўқ,
Лаби қанду асал, бели ари йўқ.

Ошиқнинг маъшуқага меҳрибонлиги, куюнчаклиги шу даражадаки, у ҳатто: маъшуқа эгнидаги кўйлагидан ҳам азият чекмаяптимикан, деб жонсарак. Шоирнинг бу борадаги кашфиётини қарангки, "Ўзгаларнинг этаги куйса, менинг жоним қуяди", деган халқ маталини биринчи мисрадаги фикрнинг ўзига бевосита дахлдор қилиб танлай олган. Халқ донишмандлиги маҳсули — фикрий жавоҳир байтга худди узукка ярашиқли кўз бўлиб тушган:

Пираҳандин бўлмасун, деб, ногаҳ озурда танинг,
Ўзгаларни этаги куйса, куяр жоним манинг.

Ваҳ! Ваҳ!

Мумтоз адабиёт намуналарининг ҳар бир байтини ана шундай бироз мулоҳазалар чиғириғидан ўтказиб, яъни байт мазмуни, ундаги фикрий кашфиёт — янги нуктани идрок билан илғаб, шоир маҳорати учқунини сезиб, ҳайратга тушайлик. Бу машғулот қийин эмас. Биз бирор сархил мева ёки таомга нисбатан "Оҳ, оҳ!, "Ҳай, ҳай!", деб юборамизку, ахир... Мумтоз адабиётдан баҳрамандлик бахтига муяссар бўлиш, ўрганиш учун мумтоз шоир ғазалини луғат орқали ўқиб, мукаммал руҳий-ҳиссий лаззатланиш имкони бор. Бу имконни юзага чиқарайлик.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

ҲИКОЯЛАРДА ҲАЁТ ҲИКМАТИ

"ХХ аср ўзбек ҳикояси антологияси". "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2009.

Тақриз

2007 йили мазкур нашриётда "ХХ аср ўзбек шеърияти антологияси" чоп этилган эди. "Антология" юнонча сўз бўлиб, "гулдаста", демакдир. Аввалги "гулдаста" ўтган юз йиллик шеъриятимиз манзарасини, ушбу мажмуа эса ҳикоячилигимиз қиёфасини акс эттиради. "ХХ аср ўзбек шеърияти антологияси" ўзбек шеърияти тарихан жуда қисқа даврда юксак даражага эришганидан далолат берса, мазкур мажмуа ўзбек ҳикоячилиги ҳаётни ва инсон образини бадиий акс эттиришда жиддий изланишлару депсинишлар ва муайян ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирганини намоён этади. Шеърият "гулдаста"сида юздан зиёд шоир тўғрисида мухтасар маълумот берилиб, уларнинг энг сара асарлари тақдим этилган бўлса, ҳикоялар антологиясида етмиш адибнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти қисқача баён этилиб, уларнинг энг яхши ҳикоялари билан таништирилган.

Антология Абдулла Қодирийнинг "Улоқда" ҳикояси билан бошланиб, Қўчқор Норқобилнинг "Қишдаги лола" ҳикояси билан якунланган. Ўзбек ҳикоячилигининг бир асрлик манзарасини кўрсатиш мақсад қилинган мазкур антологиядаги ҳикоялар мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Уларнинг бадиийлик даражаси ҳам турлича. Мажмуа билан танишиш жараёнида ўзбек ҳикоячилиги ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш ва инсон образини гавдалантиришда баён усулидан бадиий тасвирлаш сари дадил одимлагани аён бўлади. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Олим Отахон, Назар Эшонқул ҳикоялари таққосланганда, ўзбек ҳикоячилигидаги ўсиш-ўзгаришлар манзараси яққол намоён бўлади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларигача ўзбек ҳикоячилигида, асосан, реал ҳаётий воқеалар қаламга олинган. Эртак, афсона, ривоят, латифалардан бошланиб, қадимги ёзма адабиётда "қолип"га айланган, А.Қодирий асарларида юксак бадиий кўринишда намоён бўлган бу анъана А.Қаҳҳор ҳикояларида такомилига етган. "Ўғри", "Бемор" ҳикояларида муайян ҳаётий воқеа таъсирчан баён этилган бўлса, "Анор", "Даҳшат" ҳикояларида давр фожиаси оддий кундалик воқеа тасвири орқали ёркин кўрсатилган. Адибнинг санъаткорлиги шундаки, у ҳодисаларни нақл қилганида ҳам, воқеалар жараёнини тасвирлаганида ҳам ўқувчига бирор нарсани тушунтириш, изоҳлашга уринмаган. Аксинча, воқелик қандай кўринса, уни шу ҳолида тақдим этган. Аммо воқеалар тасвирига диққатни беихтиёр жалб этадиган таъсирчан деталларни кирита билган. Тасаввурда қаҳрамон қиёфасини жонлантириб, у яшаган замон ва маконни намоён этадиган каҳҳорона деталлар хотирада муҳрланиб қолади. Унинг ҳикоялари ўзининг фавқулодда топилма – иборалари боис, халқ меҳр-муҳаббатини қозонди ва миллий насримиз учун ўзига хос эталон бўлиб келди.

Ўзбек ҳикоячилигидаги Абдулла Қаҳҳорга хос тасвир услуби Шукур Холмирзаев ижодида янгича кўриниш касб этди. У ҳам воқеликни қисқа, ихчам ва лўнда услубда акс эттириб, ҳаётнинг оддий ҳодисаларидан теран маъно чиқаради. Адибнинг антологиядаги "Чўлоқ турна" ҳикояси воқеликни холис тасвирлашнинг мумтоз намунаси саналади. Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Дашту далаларда", Эркин Аъзамнинг "Пиёда" ҳикояларида ҳам воқелик ишонарли, таъсирчан тасвирланади. Улардаги содда, беғубор қаҳрамонларни ўқувчи беихтиёр яхши кўриб қолади. Хайриддин Султонов "Дунёнинг сири" ҳикоясида ҳам, бошқа асарларидаги сингари, инсон қалбидаги поклик, беғубор туйғуларни кўрсатишга интилади, турфа ҳиссиётлар шоирона идрок этилади. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг "Оқ бино оқшомлари" ҳикоясида ҳам айни шу хусусиятни кузатиш мумкин. "Дунёнинг сири" ҳикоясидаги "Ташқарида, қуёшнинг ҳароратсиз ёғдусига чулғанган дов-дарахтлар тагида заъфарон кўйлаги этакларини судраганча куз дилдираб кезади. Ҳаккалар учиб-қўниб хазон титкилайди. Олисдаги қорли чўққилар дўппи гулларидек хаёлий товланади. Кўкиш туман ичра элас-элас кўзга чалинаётган ёввойи бодом, тоғолча, дўлана буталари қоплаган ўнгирлар хонага дилгир сукунат бахш этади" синлиз, немис, француз олимларининг Ж. Свифт ижодига доир илмий мақолалари жой олган. Тўплам профессор Ҳ.Реалнинг сўзбошиси билан очилади. Унда айтилишича, яқинда «Гулливернинг саёҳатлари» романи каталон тилида Италияда нашр этилган. Шунингдек, бу асар игбо тилига таржима қилиниб, Нигерияда ҳам чоп этилган. Англияда эса, «Гулливернинг саёҳатлари» асари асосида кинофилм яратиш устида иш бошланган.

Ж. Свифт ижоди ҳақида энг яхши илмий мақола учун алоҳида мукофот таъсис этилган бўлиб, унинг бешинчи совриндори инглиз олими доктор Син Мур бўлди.

Мазкур тўпламдаги Жеймс Мейнинг «Свифт асарлари 2007 — 2009 йилларда ташкил этилган нодир китоблар савдосида» мақоласида улуғ ёзувчининг биринчи таржимаи ҳоли битилган китоб, адибнинг турли тилларга таржима қилинган асарлари, уларнинг таржимонлари ва ҳатто сотувдаги нархлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган. Мазкур илмий тўпламга кейинги йилларда Ж. Свифт ҳақида эълон қилинган мақолалар, асарларининг турли тилларга таржима қилинган нусхаларининг охирги нашрлари рўйхати ҳам илова қилинган. Эндиликда бу рўйхати романнинг иккита ўзбекча таржима нусхаси ҳам қўшиб қўйилади.

Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ



гари тасвирлар кузнинг моҳир мусаввир томонидан чизилган маҳзун, дилгир манзарасидек намоён бўлади. Ёзувчининг ҳикояларида ўзбек адабиётида бу жанрда эришилган энг яхши хусусиятлар мужассамлашган. Олим Отахоннинг "Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза" ҳикоясида ўзлигини тополмай юрган кишининг ўй-хаёллари акс эттирилган. Ҳикоя қаҳрамони: "Нега оддий сарғиш дераза менинг юрагимни бунчалик забт этгани ҳолда, метродаги нур бир пайса ҳам таъсир қилмайди. Бунда қандай сир бор?", дея ажабланади. У бутун борлиқни ёритган қуёшнинг нурлари, кечани кундузга айлантирган сон-саноқсиз чироқларнинг ёғдуси одамларнинг қалбига етиб бормаётганидан куюнади. Кишиларнинг бепарволиги, бир-бирига меҳрсизлиги, оқибатсизлиги сабабини излайди. "Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза"да қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари муаллиф томонидан баён қилинади. Лекин бу баён чуқур психологик таҳлилга асосланган билан "Улоқда", "Менинг ўғригина болам", "Минг бир жон" ҳикояларидаги баён услубидан фарқ қилади. Ушбу ҳикоя ҳам воқеликнинг қаҳрамон тилидан баён этилиши ёки муаллиф томонидан нақл қилиниши муҳим эмаслиги, асарнинг таъсирчанлиги, бадиий баркамоллиги ижодкорнинг маҳорати, унинг санъаткорлигига боғлиқлигини намоён этади.

Аслида антологиядаги барча ҳикояларни ҳаёт ҳикматини идрок этишга уриниб, ўзини англашга интилган қаҳрамонлар образлари бирлаштириб туради. Турли мавзуларга бағишланган, қаҳрамон тилидан баён этилган ҳикояларда асосий эътибор ҳаёт ҳикматини англашга уринаётган инсон образини яратишга қаратилади. "Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза" худди "Маймун етаклаган одам" (Н.Эшонқул), "Дашту далаларда" (М.Муҳаммад Дўст), "Пиёда" (Э.Аъзам), "Васий" (Х.Дўстмуҳаммад), "Бир куни чумоли бўлиб..." (Н.Норматов) ҳикояларидаги каби ўзини излаётган, ҳаёт туганмас жумбоқ, ҳар лаҳзаси фавқулодда ҳикмат эканини идрок этаётган инсон образи яратилган энг яхши асарлардир.

Бу ҳикоялар ўзбек адабиётида инсон табиати мураккабликлари тўғрисида жиддий фикр юритиш кучайганини кўрсатади. Одатда, анъанавий усулда битилган ҳикояларда реал воқеликни акс эттириш билан чекланилади. "Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза", "Маймун етаклаган одам" ҳикояларида эса, инсоннинг ҳаёт воқелиги билан боғлиқ ички олами, руҳияти тўғрисида сўз юритилади. Бу каби ҳикоялар ўзининг сюжет йўналиши, воқеалар қурилиши, тили жиҳатидан анъанавий асарлардан фарқ қилади. Жумладан, "Маймун етаклаган одам"да анъанавий насрга хос воқеа, қаҳрамонлар ўртасида кураш йўқ, тугуни, ривожи кўринмайди. Унда қаҳрамонлар "Ўғри", "Даҳшат" ҳикояларидаги сингари тўқнашмайди. Ёзувчи ўзини англашга, ҳаётнинг ҳикматини топишга интилган рассом қисмати мисолида шўро замонида сохта ғояларга алданиб яшаган одамларнинг аянчли аҳволини кўрсатади, уларда ҳаёт ҳодисалари ичидан ёритилади. Муаллифни воқеаларнинг аниқ, реал тасвири эмас, балки уларнинг моҳиятини очиш, бадиий таҳлил этиш, ҳаёт ҳақида мушоҳада юритаётган қаҳрамоннинг зиддиятли кечинмаларини кўрсатиш кўпроқ қизиқтиради. Кўрган-кечирганларининг моҳиятиҳикмати ҳақида ўйлаб изтироб чекадиган бу тоифа қаҳрамонлар анъанавий ҳикоялар персонажларидан айни шу жиҳати билан ажралиб туради.

Хусусан,"Маймун етаклаган одам" ҳикояси интеллектуал даражаси юксак китобхонга романдан кўра кўпроқ маънавий-руҳий озиқ беради. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ушбу ҳикояни "ўзбек насри тарихидаги фавқулодда воқеа", деб таърифлаган. Бундай эътирофга муносиб асар ўзбек ҳикоячилигидаги ўсиш-ўзгаришлар манзарасини яққолроқ тасаввур қилиш имконини беради.

"ХХ аср ўзбек ҳикояси антологияси" китоби адабий-маданий ҳаётимиздаги муҳим ҳодисадир. Эътирофга муносиб мазкур мажмуа ўзбек адабиётининг ўтган асрдаги манзарасини намойиш этадиган муҳим адабий-тарихий манба бўлиб қолади. Чунки бу антология адабиётимизда ўтган асрда юз берган ўсиш-ўзгаришлар тўғрисида муайян тасаввур беради. Тўпламнинг аҳамияти, аввало, шу билан белгиланади. Нашр тўғрисидаги ҳар хил фикр, танқидий мулоҳазалар унинг қимматини асло пасайтирмайди. Аксинча, эътирофу танқидий фикрлар унга қизиқиш ва эътиборни англатади. Зеро, ҳар қандай нашрнинг турли баҳс-мунозарага сабаб бўлиши унинг салмоғи ва кўпчиликка кераклигидан далолат беради.

Антологиядаги камчилик, аввало, шоир, адиблар ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир қисқа баёнларда кўзга ташланади. Мазкур тақдимномалар матни анча жўн ва жиддий таҳрирталаб, жумлалар мантиқан узвий боғланмаган. Аксарият адиблар ижоди "каби асарлари ҳам бор", "ва бир қанча ҳикоялари бор", "ҳамда бир қанча очерк ва ҳикоялардан иборат", "ва бошқа шеърий тўпламлари нашр этилган", "ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган" тарзида тавсифланган. Масалан, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилиб, "Унинг асарлари 1956 йилдан бошлаб оқланган", дейилган. Аслида шеър, достон, ҳикоя, қисса, роман, мақоланинг чоп этилиши, оммага тарқатилиши тақиқланади, ман этилади. Антологияда имло ва тиниш белгиларининг қўлланиши билан боғлиқ хатолар кўп. Масалан, Абдулла Қаҳҳор тўғрисида "умрининг охиригача насрда самарали ижоди қилган", дейилган (32-бет.). Ўлмас Умарбеков ҳақида "бир қанча драмалар ёзган" дейилиб, қавсда унинг тўртта асари номи қайд қилинган ва жумла "ва бошқа" деб тугалланган. "Қизимга мактублар" ("Мангу ҳаёт бўсағасида") деб номланган публицистик асари ҳам бор", деб ёзилган (118-бет). Қоида бўйича ном қўштирноққа олинганидан кейин "номланган асар", "номли мақола", "номли роман", деб ёзилмайди. "Ўткан кунлар" деб номланган роман", дейилмайдику. Афсуски, кейинги пайтларда адабий тилнинг бу каби меъёрий қоидаларига амал қилмаслик одатий ҳолга айланди. Пиримқул Қодировнинг романи "Она лочин нидоси"(85-бет) эмас, "Она лочин видоси", деб номланади. 276-бетдаги "Ошиқ дунё" ҳикояси: "Уларни топишганига унча кўп бўлгани йўқ. Чарвоннинг қантари оғиб, залворли заминнинг ботинидаги ваража юзага уриб, қари кутган ерлардан терлаган тўриқнинг сағрисидан чиққан ҳовур каби енгил буғ кўтарила бошлаган кезларда иккови дарада яшарди", деб бошланади. Услубий ғализлигини эътиборга олмай, қайта-қайта ўқиганда ҳам бу парчадан бирор маънони англаш қийин. Антологияга Ойдин Собирова, Асқад Мухтор, Ўктам Усмонов ҳикоялари киритилмагани ҳолда, ижоди ҳали адабий жамоатчилик эътиборига тушмаган, бу жанрдаги бирор асари адабий танқидчилар, адабиётшунослар томонидан эътироф этилмаган айрим муаллифларнинг ҳикоялари ўрин олгани ғалати туюлади.

Албатта, ҳар қандай иш нуқсони, қусурларидан қатъи назар, эришилган аниқ натижа сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Айниқса, машаққатли меҳнат эвазига юзага келган "ХХ аср ўзбек ҳикояси антологияси" каби салмоқли ишларда йўл қўйилган нуқсонлар, у хусусдаги турли танқидий фикрлар бу нашрнинг аҳамиятини пасайтирмайди. Мавжуд камчиликларидан қатъи назар антологияга жамланган ҳикоялар ҳаётнинг турфа манзаралари, инсон оламининг ғаройиб жумбоқ ва ҳикматларини акс эттиргани билан маданий, адабий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлиб қолади.

Жонатан Свифт жаҳон кезади

Германиянинг Мюнстер шаҳридаги Вестфал-Вилгелм университетида "Тил, адабиёт ва маданиятлараро алоқалар" мавзуида илмий симпозиум бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик бир гуруҳ олим ва ўқитувчилар қатнашдилар. Анжуманда Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси ходимлари ҳам иштирок этди, катта қизиқиш уйғотиб, кўп ташкил этилган адиб меросини ўрганиш марказига инглиз адабиёти бўйича йирик мутахассис, профессор Ҳерман Реал раҳбарлик қилмоқда. Марказ шинам бинода жойлашган бўлиб, унда Ж. Свифтнинг турли мамлакатларда нашр қилинган асарлари ва уларнинг таржима нусхалари мавжуд. Марказнинг махсус хонасида Ж. Свифтнинг илк нашр этилган бежирим чарм муқовали ва расмлар билан безатилган китоблари ҳам сақланмоқда. Адибни машҳур қилган «Гулливернинг саёҳатлари» романининг юздан ортиқ тилларидаги таржима нусхалари жаҳондаги турли мамлакатлардан олиб келинган. Бироқ бу асарларнинг юртимизда бир неча нусхада сотилаётган экан.

«Гулливернинг саёҳатлари» романи ўзбек тилига машҳур таржимонимиз Ваҳоб Рўзиматов ва Сотиболди Йўлдошев томонидан таржима қилинган. Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳрида инглиз оиласида туғилган Жонатан Свифт ижодини ўрганиш ва унинг асарларини бошқа тилларга таржима қилиш XVIII асрдан бери давом этиб келмоқда. Вестфал-Вилгелм университети қошида бундан йигирма йил аввал бор нашр этилган ўзбекча таржима нусхаси бу ерда йўқ экан. Мен профессор Ҳ.Реалга бу асарнинг ўзбекча нусхасини юборишга ваъда қилгандим. Яқинда «Гулливернинг саёҳатлари» романининг В. Рўзиматов ва С.Йўлдошев томонидан қилинган таржима нусхаларини Германияга юбордим. Эндиликда «Гулливернинг саёҳатлари» романининг немис, француз, италян, испан, португал, хитой, япон, грузин ва бошқа юздан ортиқ тилларда-ги таржима нусхалари қаторидан ўзбекча нусхаси ҳам ўрин олади. Бу асарнинг мен кўрган барча таржима нусхаларидан бизда чоп этилган ўзбекча нусха ҳар жиҳатдан пишиқ-пухталиги билан устунлик қилади. «Шарқ» нашриётининг ушбу нашри мазмундор расмлар билан безалгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Мюнстердаги Ж. Свифт меросини ўрганиш маркази турли мамлакатлардаги бу адиб ижоди билан шуғулланувчи олимлар ва илмий ходимлар билан алоқа боғлаган. Ҳар йили унинг меросига бағишланган илмий анжуман ўтказилиб, илмий тўплам нашр этиб турилади. Чунончи, 2009 йили нашр этилган тўпламда инг-

СУЮКЛИ ВА АРДОҚЛИ

Ёшлар овози

Канадалик машҳур адиб Э. Сетон-Томпсон болалигини хотирлаб шундай ёзган: "... жажжигина бир қушча уйимиз олдидаги теракка келиб қўнди-да, оҳиста-оҳиста сайради. Биздан каттароқ бир бола уни: "Бу — бахт қуши",

деди. Хаёлимда бахт қушининг мовий елкасини кўргандай бўлдим. Бахт қуши қайта-қайта сайраб, ўзининг нафис қўшиғини куйлади.

... Шундан буён мен ҳар йили баҳор билан мовий қушимни — бахт қушимни кутадиган бўлдим".

Аслида ҳар бир инсон ҳаётда ўзининг "бахт қуши"ни излайди, уни кимдир касб-корида, кимдир илм-ижодда топади. Бироқ барчага бирдек алоқадор шундай ҳақиқат борки, буни биз Сетон-Томпсоннинг "Ёввойи йўрға" китобини ўқиб юракдан ҳис этамиз. Ҳа, одамзотнинг бешиги — табиат, табиат ҳаммамизнинг онажонимиз. Табиатдаги минг турли ҳайвонлар, дов-дарахтлар, гиёҳлар, таъбир жоиз бўлса, бизнинг биродарларимиз: опа-сингилларимиз, ака-укаларимиздек қадрлидир...

"Ёввойи йўрға" китоби атоқли адибимиз Тоғай Мурод таржимасида илк бор нашр этилганига ўн йилдан ошди. Юпқа муқовада чоп этилган бу ғаройиб китоб қўлдан-қўлга ўтиб ўқилавериб йиртилиб, титилиб ҳам кетди. Аслида, яхши асарларнинг "тақдири" шундай бўлади.

Яқинда "Ношир" нашриёти томонидан "Ёввойи йўрға"нинг қалин рангли муқовада, оқ қоғозда босилган янги нашрини олиб, беҳад хурсанд бўлдим. Адиб ёзганидек, "...бахт қушининг мовий елкасини кўргандай" қувондим. Бу суюкли ва ардоқли китоб ўқувчида онатабиатга меҳр уйғотади, десак унинг тарбиявий аҳамиятини бир қадар торроқ ифодалаган бўламиз. Аслида, "Ёввойи йўрға" китобхонни табиат билан қондош-қариндош эканига ишонтиради. "Домино"ни ўқиб биз борлиққа бошқача кўз билан қарай бошлаймиз, "Ёввойи йўрға" қисматидан изтиробга тушамиз, "Буғулар изидан" бориб ёки "Снап"нинг бошидан кечирганларидан воқиф бўлиб, беихтиёр ҳушёр тортамиз. Сетон-Томпсон қаҳрамонлари — мушуклар, қуёнлар, тулкилар, бўрилар, айиқлар, отлар фикрлайди, чора-тадбирлар қўллайди, улар ўзига хос хулқ-атворга эга. Энг муҳими, улар ҳам одам каби табиат фарзандлари, улар ҳам инсонлар каби дахлсизлик ҳуқуқига эга, деган қараш ёзувчи асарларига чуқур сингдирилган.

Назаримда, таниқли ёзувчимиз Тоғай Мурод бу китоб таржимасига беҳуда қўл урмаган. У Сетон-Томпсоннинг ҳаётини, ижодий фаолиятини, жаҳон адабиётида ҳайвонот дунёси тавирланган бадиий юксак асарларни жуда пухта ўрганган. Муҳими, канадалик адиб каби, асар таржимони қалбида ҳам табиатга улкан меҳр-муҳаббат бўлган. Бунга биз "Ёввойи йўрға" таржимасининг ҳар бир саҳифасида гувоҳ бўламиз.

"Сетон-Томпсон ҳайвонлар ҳақида шундай асарлар яратдики, — деб ёзади китобдаги сўзбошисида Т.Мурод, — бундай асарлар Сетон-Томпсонгача яратилмаган эди, ундан кейин ҳам яратилмади. Табиат, хусусан, жониворлар ҳақида минглаб асарлар ёзилди, аммо ҳеч ким Сетон-Томпсондан ошиб ўтолмади".

Табиатни асраш муаммоси бизнинг замонамизга келиб инсоният олдидаги энг долзарб, глобал муаммога айланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил олиб борилаётгани шундан далолат беради. Шу ўринда айтиш керакки, инсонлар қалбида табиатга табиий меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват туйғуларини тарбиялабгина бу улкан муаммони бартараф этиш мумкин. Бу

Вилоят ОҚИЛОВА:

РАҚС — ҲАЁТИМ

Одамлар қалбига нафосат, завқ-шавқ бағишловчи санъат турларидан бири ўзбек миллий рақсидир. Ўзбек рақс анъаналарини асрабавайлаб келаётган Оқиловлар сулоласи фидойи рақс намояндаларини камолга етказди. Исаҳор ва Маргарита Оқилова оиласининг етакчи вакили Вилоятхоним Оқилова 1937 йили Самарқанд шаҳрида дунёга келди. Болалигидан рақс оламида ўсиб-улғайган Вилоят опа умрини рақс санъатига бағишлади. Дастлаб Тошкент хореография билим юрти, кейин Тошкент педагогика институтида таҳсил олди. 1958 йили М.Қориёқубов номидаги "Шодлик" ансамблида яккахон раққоса сифатида фаолиятини бошлаб, кўплаб миллий рақсларимизни ижро этди.

Санъатимиз фидойилари

Отаси Исаҳор Оқилов саҳналаштирган "Помирча" рақси билан Америка қитъаси рақс ихлосмандлари қалбини забт этди. 1980 йилдан мустақил равишда рақслар саҳналаштира бошлади. Улар орасида композитор М.Левиев мусиқаси асосида тўрт қисмли "Бахтли замон" вокал-хореографик композицияси, "Ўзбекистон юлдузлари", "Зарафшон маликаси", "Баҳор таронаси", "Беш қарсак", "Гўзал", "Тантана" каби рақслар бор. В.Оқиловнинг ижро санъатига Игор Моисеев каби мутахассислар ҳам юксак баҳо берган эди: "В.Оқилова фақат тажрибали балетмейстергина эмас, балки ўзбек фолклорини яхши биладиган ва иқтидорли раққослар санъати анъаналарини моҳирона давом эттираётган раққосадир." "Мен санъатда бахтини топган ўзбек қизиман, — дейди раққоса. — Катта-кичик ижодий сафарларда бўлдим. Лекин Ўзбекистондек гўзал диёрни ҳеч бир ерда учратмадим". Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова мустақиллик даврида "Шуҳрат" медали ва "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Санъаткор билан суҳбатимизни Исаҳор Оқилов ижодининг бугунги рақсимиз жараёнларига таъсири ҳақидаги савол билан бошладик.

— Исаҳор Оқиловнинг миллий рақс санъатимиздаги ўрни ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. У киши ижро этган ва саҳналаштирган рақсларнинг ҳеч бири ҳалигача тароватини йўқотгани йўқ. Биргина "Помирча" рақси саҳнага қўйилганига салкам олтмиш йил тўлганига қарамай, ҳозир ҳам томошабин қалбида завқ-шавқ уйғотади.

Аслида мен жуда бахтли тақдир эгасиман. Ўзбек хореографияси асосчилари оиласида туғилдим, Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоевадек рақс маликалари тажрибаларини ўргандим.

Албатта, шогирдлар устозларнинг анъаналарини давом эттирадилар, уларнинг ижодидан илҳом оладилар, уддасидан чиқолсалар янада бойитиб, халққа тақдим этадилар. Бу борада раққосаларга Исаҳор Оқилов ижоди ҳамиша намуна бўлиб келган. Рушана Султона, Феруза Солиҳова, Роза Абдулхаирова, Саида Мансурхўжаева каби раққосалар ижоди менга айниқса манзур.

Замонавий ўзбек рақсининг энг аниқ ва тўғри ечимини Исаҳор Оқиловнинг шогирди — Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Қодир Мўминов саҳналаштираётган рақсларда кўраман. Унинг рақсларида ўзбек рақс санъатининг улуғворлиги ва самимияти сақланиб қолган. Уста Олим Комилов, Исаҳор Оқилов, Мукаррама Турғунбоевадек буюк инсонларнинг ижодий мероси бу санъаткор ижодиди муносиб даражада давом этмоқда.

— Миллий рақсимизнинг бугунги қиёфаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбек рақс мактаби уч йўналишга эга: Фарғона-Тошкент, Бухоро, Хоразм. Назаримда, ҳозир бу мактаблар бир-бири билан аралашиб кетгандек таассурот туғилади. Айниқса, бугунги Хоразм рақсларига гўзал анъаналар ўрнига турли ибосиз муқомлар кириб келганга ўхшайди. Мен Тамарахоним "Оразибон" рақсини қандай ижро этаётганини кўриш бахтига муяссар бўлганман. Бу рақсдаги ҳаракатлар ва ҳолатлар ҳозир деярли йўқ. Хоразмлик раққосалар бугун бутун тана аъзоларини титратиб ўйнатишни урф қилиб олишди. Бухоро рақси ва бухороча услублар ҳам мақтагудек эмас. Отам доим доира усуллари ҳақида гапириб, улар симфоник оркестр билан тенг, деб айтардилар. Бу усулларни столга бармоқлари билан уриб чалардилар. Ҳозир эса ниҳоятда тезлик билан ижро этиладиган усуллар тушунарсиз бўлиб қоляпти.

Ўтган йили тасодифан М.Турғунбоева номидаги ёш раққосалар танловига бориб қолгандим. Танловда қатнашган ёшларнинг ҳар бири ўзича бир олам, рақс санъатига иштиёқманд қизлар. Афсуски, уларни танловга тайёрлаган устозлари ва балетмейстерларнинг уқувсизлиги сабаб, имкониятларини тўлиқ намоён этолмадилар.

Ўзбек хореографиясига озгина бўлсада алоқаси бор одамларга тилагим шуки, рақсларимиздаги ҳар бир ҳаракатга масъулият ва талабчанлик билан эътиборлироқ муносабатда бўлсинлар.

Кези келганда яккахон рақслар ижросига ҳам тўхталмоқчи эдим. Бугун Галия Измайлова, Қундуз Миркаримова, Гулнора Маваева, Клара Юсупова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборова, Малика Аҳмедова каби раққосаларимизни ҳурмат билан эслаймиз. Бироқ ҳозир репертуари якка рақсга бой раққосаларимиз у қадар кўп эмас. Кўпинча хонандалар қўшиғига жўр бўлаётган якка рақсларни кўрамиз. Лекин бу якка рақс эмас, ялла. Яъни эркин импровизация қилиб ўйналадиган рақс. Ҳар ҳолда, балетмейстерлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

— Вилоят опа, рақс сиз учун нима?

— Рақс — менинг ҳаётим. Опам Зулайҳо Оқилова Москвада Лавров устозлигида таҳсил олган. "Суҳайл ва Меҳр", "Дефал сеҳргарларининг муваффақияти" каби балетларда рақсга тушган, кўп концерт номерларини саҳналаштирган. Лола Оқилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бир умр "Шодлик" ансамблида фаолият юритган. Акам Юсуф Оқилов — аранжировкачи-бастакор. Барчамиз санъат фидойиларимиз. Ўзим ҳам "Шодлик" ансамблида 40 йил ишладим. Ёшларга йўл бериб, рақсдан узоқлашмаслик учун филармонияда кийим қабул қилувчи бўлиб ишладим. Ҳозир ҳам яхши рақсларни мириқиб томоша қиламан. Ёшларга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Юртимизда рақс санъатининг шуҳратини авлоддан авлодга олиб ўтишга қодир сулолалар кўпайишига ишонаман.

Каромат ПАХРУТДИНОВА суҳбатлашди

ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Машҳур режиссёр К.С.Станиславский дўсти ва ҳамкасби В.И.-Немирович-Данченкога шундай деган экан: "Қалбимда беркиниб ётган бир шубҳа доимо қийнайди. Бу шубҳа шундан иборатки, яратаётган асарларим ҳақиқатан ҳам мукаммалми ёки уларда бирор-бир нуқсон ва камчилик борми, деган саволдир. Гап шундаки, ижоднинг, мукаммалликнинг чегараси ва охири йўқ...".

Хўш, бугун янги саҳна асарларини яратаётган ва саҳналаштираётган театрлар ва ижодкорларимизда ўз асарларига нисбатан шундай талабчанлик борми?

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида ўтган асрнинг 20-40 йилларида ижод қилган таниқли драматург Умаржон Исмоиловнинг "Рустам" драматик асари асосидаги спектаклнинг жамоатчилик кўриги бўлди. Асарни саҳналаштирган таниқли актёр ва режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов, режиссёр З.Аҳмедова, рассом Б.Тўраев, рақс устаси С.Тангуриева, либослар рассоми С.Зуннунова ва бошқа ижодкорлар асарга замонавий руҳ беришга ҳаракат қилганлар.

Спектакл фалсафий-маънавий йўналишига кўра йигирманчи аср бошларида юртимизда рўй берган шиддатли воқеаларни, қарама-қаршиликлар билан тўла бир даврни акс эттиради. Асарнинг бош қаҳрамони, озодлик йўлида кураш олиб борган Рустам исмли оддий мардикор йигит, кўз олдимизда аста-секин халқ қаҳрамони сифатида гавдалангандек бўлиб, ўз халқининг тинч ва тотув ҳаёти, юрт мустақиллиги учун курашади. Спектаклни кўрган томошабин бош қаҳрамоннинг соф муҳаббат йўлида алданиб қолиши, унинг ички руҳияти ва қалб изтироблариґа ишонч ҳосил қилгандек бўлади. Рустам образини яратган истеъдодли актёр Меҳриддин Раҳматов ижодий ва саҳнавий вазифаларини тўлақонли бажаришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Малика Иброҳимова, Ҳожиакбар Комилов, Хосият Ҳусанова, Дилноза Кубаева, Нигина Анорбоева, Рихситилла Абдуллаев, Асад Набиев ва бошқалар масъулиятни ҳис этиб, қаҳрамонларнинг ички оламини очиб беришга бел боғлаганлар.

Драматургик жиҳатдан бақувват ва мустаҳкам ижодий-саҳнавий топилмалар, асар қаҳрамонларининг муносабатлари ва уларнинг тўқнашувлари томошабинни ўйлантиради, ижодий мулоҳазага тортади... Режиссёр, рассом ва рақс устаси асарнинг асосий ғоявий ечимини биргаликда излайдилар. Бундай изланиш бир қараганда ижодий ютуққа йўл очгандек туюлади.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтказган жамоатчилик кўригида иштирок этган адабиётшунос ва театршунос олимлар Ҳ.Абдусаматов, Н.Каримов, Э.Умаров, Ҳ.Икромов, С.Турсунбоев, Б.Насриддинов, М.Аҳмаджонова, Т.Мирзо, Э.Ўриновлар театр жамоаси изланишларини муносиб баҳолаган ҳолда, айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу камчилик Рустам образини яратган Меҳриддин Раҳматов талқинида кўпроқ кўзга ташланади. Актёр ижросида ички пафос, чуқур ҳиссиётлар етишмаётгандек туюлади. Унинг озодлик учун кураши ва соф муҳаббати бир-бирига узвий боғланиб кетмайди, мардикордан халқ қаҳрамонига кўтарилишида сунъийлик ва юзакилик яққол кўзга ташланади. Бу асарнинг асосий ғоясини ҳиралаштиради.

Театр жамоаси ижодий изланишини давом эттириб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида спектаклнинг бадиий юкини янада мустаҳкамлаб, Рустам образини мукаммал ҳолда томошабинларга тақдим этади, деб ўйлаймиз.

Аҳмаджон РАҲИМОВ, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи

НАФОСАТ ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги "Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони рақс санъати оламида катта ислоҳотларни бошлаб берди. "Шодлик" ансамблининг номи ўзгариши ҳам айни шу даврга тўғри келди — 1997 йили ансамблга "Ўзбекистон" номи берилди.

Бугунги кунда "Ўзбекистон" давлат ашула ва рақс ансамбли М.Қориёқубов номидаги Академик ва Бадиий жамоалар дирекцияси қошида фаолият юритмоқда. Ансамбл ижодий труппасида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Собир Мўминов, Ҳулкар Абдуллаева, Муроджон Соҳибов сингари хонандалар, Саида Мансурхўжаева, Нигина Ниғматова, Гулшода Абдиева, Феруза Озодова, Каромат Пахрутдинова, Дилфуза Қодирова, Ҳилола Акбарова, Одина Исоқова, Наргиза Муратова, Дилафрўз Қодирова, Дилфуза Жўрабоева, Дилдора Ёқубова, Зебо Исмоилова каби раққосалар ва бир гуруҳ раққослар ижод қилмоқдалар.

Юртимизда ўтказиладиган барча байрам ва тантаналарда "Ўзбекистон" ансамблининг чиқишлари тадбирга кўрк ва файз бағишлаб туради.

Турли йилларда турфа номлар билан аталиб келган ансамбл катта ижодий йўлни босиб ўтган. Илк профессионал ашула ва рақс ансамбли бўлган бу жамоада Муҳаммаджон Мирзаев, Исаҳор Оқилов, Дони Зокиров, Сайфи Жалилов, Наби Ҳасанов, Саиджон Калонов, Аюб Қодиров, Ғавҳар Раҳимова, сингари бастакор ва созандалар, балетмейстер ва ижодий ташкилотчилар фаолият кўрсатганлар. Булардан ташқари Меҳри Абдуллаева, Холисхон Қодирова, Адиба Мирзаева, Эргаш Шукуруллаев каби санъаткорлар илк ижодий фаолиятларини шу ансамблда бошлаганлар.

Етмиш йилдан ортиқроқ давр мобайнида тинимсиз изланишлар оғушида ижодий фаолиятини давом эттириб келаётган ансамбл яқинда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри саҳнасида концерт дастурини намойиш этди. Дастур "Гул ва булбул" рақси билан очилди. Ёшларни миллий-анъанавий рақсга муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларда ташаббускорлик, завқу шавқ ҳисларини оширишда катта аҳамиятга эга бўлган, фахрланса арзийдиган якка рақслар ижро этилди. Атоқли ўзбек раққосаси, балетмейстери ва педагоги Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган "Қўғирчоқ" рақсини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нигина Ниғматова, Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова маҳорат билан ижро этган "Помирча рақс"ни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшода Абдиева, "Дилнавоз" яккахон рақсини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Мансурхўжаева, эркаклар яккахон рақсларидан "Лаган"ни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қаҳҳоров маромига етказиб ўйнадилар. Ансамблнинг концерт дастури давомида Эркин Қаҳҳоров бошчилигида ўн йигитни "Катта ўйин", "Дилхирож", "Андижонча", "Чойнак" рақсларида ҳамда қизлар билан ижро этилган "Туркча", "Қошиқ", Акбаров Арслон саҳналаштирган "Испанча" рақсларида кўриб томошабинларнинг кайфияти кўтарилди.

Бадиий жамоанинг асосий дастури замонавий миллий рақс ва қўшиқлардан иборат. Бу эса ансамблнинг туганмас миллий-маданий меросимиздан унумли фойдалангани, янгидан-янги рақслар ва қўшиқларнинг туғилиши ва уларнинг ҳақиқий саҳна томошаларига айланиши йўлида изланишлар олиб борганидан далолатдир.

Дастур давомида ансамбл фахрийлари — Вилоят Оқилова, Гулшод Отабоева ва бошқалар сўзга чиқиб энг яхши тилакларини изҳор қилдилар.

Концерт "Сайил" театрлаштирилган вокал-хореографик томоша билан якунланди. Сайил сўнгида устоз санъаткор Қодир Мўминов ёшларга хос шижоат билан ёш раққос ва раққосалар билан баравар Андижон полкасига рақс тушиб, томошабинларга катта шавқ-завқ бағишлади.

Ирода МИРҲУСАНОВА, Санъат институти магистранти

СОЗАНДА ВА ДИРИЖЁР

Икки оғиз дил сўзи

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Эргаш Тошматов моҳир созанда бўлибгина қолмай, республикамизнинг таниқли дирижёрларидан бири. Бугунги кунда саксон баҳорни қаршилаган Эргаш ака қарийб 60 йиллик самарали фаолияти билан устоз санъаткорлар қаторидан ўрин олган мумтоз ижодкордир. У 1961 йилдан то ҳозиргача Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида дирижёр сифатида узлуксиз фаолият юритиб келяпти. Катта тажрибага эга, салоҳиятли санъаткор дирижёрлик ва созандалик қилиш баробарида ёш мутахассислар тайёрлашда ҳам самарали меҳнат қилиб келади.

1954-1974 йилларда Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатида (ҳозирги академик лицей), 1968-1975 йилларда консерваторияда, 1975 йилдан шу кунгача Маданият институти "Чолғу жамоаларига раҳбарлик" кафедрасида чанг сози ва дирижёрлик бўйича бир неча ўнлаб малакали шогирдлар тайёрлашга муваффақ бўлди. Улар орасида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Форуқ Содиқов, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиев, Ўзбекистон санъат арбоби, доцент Ботир Расулов, композитор Нурилла Зокиров, созанда Иброҳим Холбеков, консерватория профессори Анвар Лутфуллаев, маданият институти доценти Бахтиёр Азимов ва бошқалар бор.

Устознинг ҳавас қилса арзигулик фазилатлари кўп. Шулардан бири Ўзбекистон радиоси орқали жаҳон мусиқа маданияти намояндалари ҳаёти ва ижоди, уларнинг машҳур дурдона асарлари ҳамда Муқимий номидаги мусиқа театри спектакллари ҳақида қизиқарли суҳбатлар олиб боришидир. Бундай чиқишлар мусиқа шинавандалари ва кенг оммада катта қизиқиш уйғотиб келади. Айниқса, М.Ашрафий, А.Козловский, Б.Иноятов, Ф.Шамсутдинов, З.Ҳақназаров, Ф.Содиқов, А.Одилов, Ф.Харратов каби таниқли санъаткорлар ҳақидаги эшиттиришлар кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

Эргаш Тошматов изланишдан, меҳнатдан чарчамайди. Кўп йиллик кузатувлари натижасида ва ижодий тажрибалардан келиб чиқиб яратган бир неча ўқув-услубий қўлланмалари, тавсиянномалар, дарсликлари шундан далолатдир.

Табаррук ёшини устоз "Чанг учун тароналар" тўплами билан кутиб олди. Тўпламдан таниқли ўзбек бастакор ва композиторларининг халқимиз орасида алқаҳчон оммабоп бўлиб кетган ва мумтоз мусиқий меросимизга айланган ўттизга яқин куй-қўшиқлари жой олган.

Т.Жалилов ва Г.Собитовларнинг ("Нурхон" спектаклидан) "Ушшоқ", "Дучава", Юнус Ражабий ва Г.Мушелнинг ("Фарҳод ва Ширин" спектаклидан) "Эронча рақс", "Арманча рақс", Д.Соатқуловнинг "Қизлар ялласи" ("Фарғона тонг отгунча" спектаклидан), И.Акбаровнинг "Шодлик рақси" кабилар шулар жумласидандир. Дарсликдаги барча асарларни Э.Тошматовнинг ўзи чанг чолғусига махсус фортепиано жўрлигида ижро этишга мослаштирган.

"Чанг учун тароналар" дарслиги ёшларимизни, хусусан, талабаларни миллий мусиқий оҳангларга ошно этишга, уларнинг маънавий-маърифий маданиятини оширишга амалий ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, миллий мусиқий адабиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Устоз санъаткорни узоқ йиллар ижодий жўшқинлик, саломатлик тарк этмаслигини тилаймиз.

Миробид ИНОЯТОВ, педагогика фанлари номзоди

РОМАНС КЕЧАСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг орган залида П.И.Чайковскийнинг 170 йиллигига бағишланган романс кечаси бўлиб ўтди. Чайковский романсларидан тузилган концерт дастури таъсирчанлиги, ифодавий воситалари, жўшқин, ҳаяжонли оҳангларга бойлиги билан тингловчилар эътиборини тортди.

Романсларда мусиқадаги ўта нозик руҳий жараёнлар билан бирга муҳаббат ва тақдир, ҳаёт ва ўлим, табиат каби мавзуларнинг юксак бадиий савияда янграшида академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси мудири, доцент Галина Муҳамедованинг изланишлари катта аҳамият касб этди.

Халқаро конкурс дипломанти Феруза Муҳамедова ва Изабелла Мнацаканян дилрабо романсларга жўрнавозлик қилдилар. Концертни Сарвиноз Тўйчиева ва Дамир Раҳмонов "Кун ҳукмронлиги" романси билан якунладилар.

Ҳуснида МАМАЖОНОВА

Сўнгги йилларда дизайн атамаси турмушимизнинг барча жабҳаларида қўлланила бошлади. Дастлаб саноат санъати сифатида вужудга келган дизайн, яъни бадиий лойиҳалаш техника эстетикасининг таркибий қисмидир. Йиллар ўтгани сари дизайн нафақат саноат, балки маънавият соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

ДИЗАЙН — ЭСТЕТИК ОНГ МАҲСУЛИ

Дизайннинг мақсади ва вазифалари кўпқиррали. У инсон маънавий ва маиший эҳтиёжларини қондиради, ишлаб чиқариш маҳсулотларини эстетик қадриятларга айлантиради. Бугун турмушимизда дизайннинг ҳиссасини сезиш қийин эмас. Атрофни кузатаркансиз қаршингизда қад кўтараётган бинолар, бунёд этилаётган истироҳат боғлари, гузарлар, борингки, хонадонимизни безаб турган жиҳозу маънавий неъмат бўлган китоб, газета-журналгача дизайн муҳим ўрин тутаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, мамлакатимизда меъморлик, шаҳарсозлик дизайни такомиллашиб бормоқда. Олий Мажлис биноси, Ўзбекистон консерваторияси, «Шератон», «Дедеман» каби меҳмонхоналарнинг янги дизайни, нафақат юртимиз, балки жаҳон меъморчилик дизайнининг гўзал намунаси сифатида қад кўтарган «Ўзбекистон» анжуманлар саройи фикримизга далил бўлади. Мамлакатимизда меъморлик, шаҳарсозликнинг қадим анъаналари замонавий услублар билан уйғунлашиб бормоқда. Ушбу меъморий иншоотлар шаҳримизга кўрк қўшибгина қолмай, бу соҳада янги услуб ва анъаналар шакллланаётганини ҳам кўрсатади.

Автомобилсозлик дизайни ҳам тараққий этиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Бугун «Daewoo» корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган «Dons-Shewrolet», «Nexia- Shewrolet», «Lasetti-Shewrolet» автомобиллари аста-секин дунё бозорига чиқмоқда. Ўзига хос дизайнга эга автоулов «Матиз» ҳам оммалашиб кетди.

Мебелсозлик дизайни хусусида эса алоҳида тўхталиш лозим. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юмшоқ мебелдан тортиб, ошхона тўпламлари, халқ орасида «горкали сервант» номида оммалашган жиҳозлар ушбу соҳада иқтидорли дизайнерлар ишлатаётганини билдиради. Соҳани янада такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасига чиқиш, замонавий талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун илғор технологияга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу мутахассислардан кўп изланишни, маҳоратни оширишни, дизайнер, руҳшунос, социолог каби мутахассислар ҳамкорлигини талаб этади.

Мустақиллик даврида турмуш эстетикасининг равнақ топиб бораётгани қувончли ҳолдир. Бунда дизайннинг алоҳида ўрни бор. Маиший соҳадан тортиб саноатнинг турли соҳаларида дизайнерлар фаолиятининг аҳамияти ошиб бормоқда. Замонавий инсон диди, эҳтиёжлари тараққий этмоқда. Бу дизайнерларга улкан масъулият ҳам юклайди. Негаки, уларнинг диди, мутахассислик малака ва қўникмалари нафақат ўзи, балки жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан яратилган буюмлар эстетик маданиятимизнинг бир бўлагига айланиб боради. Аммо дизайнерлар барча соҳада ҳам муваффақиятли ишлаяптилар, деб бўлмайди. Бугун матбаа саноатимиз энг илғор технология билан жиҳозланган бўлсада, матбаа маҳсулотлари, айнан дафтар-китоблар, газета-журналларимиз дизайнида камчиликлар талайгина. Болалигимизда дафтарларимиз муқовасида Алишер Навоий ёки Ғафур Ғулом суратлари, уларнинг шеърий сатрлари бўларди. «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади» сатрлари бизга масъулият юклаётганини ҳис қилиб турардик. Бугунги дафтарлар қоғозининг сифати паст. Жўнгина саҳифаланаётгани боис тез тўзиб кетади. Матбаа маҳсулотларининг асоси — қоғоз. Қоғоз саноатимиз эса кўп йиллик тарихга эга. Китобатчилик исломга қадар ривожланган бўлса, кейинчалик Темурийлар даврида санъат даражасида кўтарилган. Китобатчиликда саҳҳоф, варроқ, таҳлид каби қирқдан ортиқ ҳунар эгалари банд бўлишган. Бу ҳунармандлар томонидан яратилган санъат даражасидаги китоб намуналари бугун жаҳон музейларини безаб турибди. Бугунги китобат санъатимизда ҳам маънавий неъмат бўлган китоблар асрлар давомида сақланиши, улардан барча авлодлар баҳраманд бўлиши ҳақида ўйлашимиз зарур.

Маҳсулотларни қадоқлаш борасида ҳам айтиш зарур бўлган жиҳатлар бор. Масалан, табиий тоза чой маҳсулотларининг жўнгина қадоқланаётганини олайлик. Тошкент чойининг яхшилигини рекламада минг бор такрорлангандан кўра, дизайнида акс эттирган афзал эмасми? Маҳаллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорига чиқиши учун хуштъамлиги кифоя қилмайди, улар чиройли қадоқланиб, эстетик дизайнга эга ҳам бўлиши лозим.

Талабалик даврида бир дугонам Болгарияда қурилиш отрядида бўлиб қайтди. У ёқдан олиб келган нарсалари орасида чиройли кофта диққатимизни тортди. Этикеткасини ўқисам, собиқ иттифоқда юз фоиз пахтадан қилинган экан. Шўролар даврида республикамиз жаҳон бўйича энг сифатли пахта етиштирса-да, дўконларда сифатли, чиройли либослар қаҳат, бори ҳам қиммат эди. Мустақил бўлганимиздан буён бир қанча қўшма корхоналар ташкил этилди. Мамлакатимизда юқори сифатли пахта толасидан либослар тикилмоқда. Энди уларнинг дизайнини ҳам ўйлашимиз керак. Бозорларимиз Хитой ва Туркия либослари билан тўла. Бу дизайнерларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Нарса ва буюмларни яратишда эстетик дид, ўткир зеҳн, фаҳм-фаросат, мутахассислик билими ва кўникмаларга эга бўлиш лозим.

Дизайнер ўзи хизмат кўрсатаётган маданий қатламнинг ижтимоий-руҳий хусусияти, эстетик билимларни эгаллаган бўлиши керак. У яратаётган нарса-буюмлар инсон учун қулай, фойдали, замонавий, шакл ва мазмуни мутаносиб бўлиши керак. Вақт ўтиши билан дизайнернинг меҳнат маҳсули эскириши, замон талабларидан орқада қолиши мумкин. У қайта ишланади, янгиланади, такомиллашади, замонавийлашади. Бу эса махсус олий ўқув юртларида соҳага оид мутахассислик билимларининг юксак савияли бўлишини талаб этади.

Техника университети дизайн кафедраси мудири, профессор Додо Нозилов: «Инсоннинг гўзаллик яратиш қобилияти нафақат атроф-муҳитни гўзаллаштириш, балки инсоният ижтимоий тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Чунки эстетик маданият ҳар доим жамиятнинг инсонпарварлик, фаровонлик тамойиллари асосида тараққий этишига хизмат қилади. Дизайн эса инсоннинг ана шу интилиш ва эҳтиёжларини юзага чиқарувчи эстетик фаолиятнинг ўзига хос туридир», дея таъкидлайди.

Дизайн инсоннинг моддий-маиший эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ. У нарса ва буюмлар оламини тартибга солиш, уйғунлаштириш, инсон турмуш даражасини кўтариш, меҳнат жараёнини енгиллаштириш ва гўзаллаштириш вазифаларини бажаради. Таъбир жоиз бўлса, дизайн санъат эмас, санъаткорона яратишдир. Дизайнда нарса ва буюмлар ўз шакли ва мазмуни орқали мазкур жамиятнинг эстетик идеалини намоён этади.

Бугун дизайн йўналишлари инсон камолотига хизмат қилувчи, унинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи, дидини такомиллаштирувчи фаолиятдир. Харидор ўз дидига мос нарсани танлайди, харид жараёни товарга фаол муносабат шаклига айланади. Ана шундай муносабатга лойиқ бўлиши учун товарнинг шакли муҳим аҳамиятга эга. Аввало, гўзал ва сифатли, қулай нарсаларгина харидор эътиборини қозонади. Шунда товарнинг умуммезонга жавоб берадиган эстетик қадрият сифатида қабул қилиниши рўй беради ва у ишлаб чиқаришнинг харидорга, харидорнинг эса ишлаб чиқаришга эстетик таъсирини таъминлайди.

Инсон ҳаётида моддий ва маънавий омилларнинг ўрни муҳим. Дизайн ана шу икки омилни мувофиқлаштириш учун хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитини ташкил қилишдан иборатдир. Дизайн эстетик онгнинг маҳсули сифатида жамият ҳаётининг фаровонлашуви, гўзаллашувида муҳим ўринга эга. Айни вақтда, у омма эстетик дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Насиба АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси

"ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"

Мамлакамизнинг барча вилоят ва туманларида "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўрик-танлов истеъдодли ёшларни кашф этиш билан бирга, Ватанни улуғловчи янги-янги қўшиқлар туғилишига ҳам хизмат қилади.

Ватанни мадҳ этувчи, инсон қалби ва тафаккурига олижаноб туйғулар бағишловчи қўшиқлар ёшларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишувида муҳим аҳамиятга эга.

“Сени кўрса очилсин гуллар...”

Муҳит узра қанотингни ёз,
Оқ қушларнинг ўлкасида юр.
Даста-даста гуллар келтирсин,
Шўх ва қувноқ дўстларга буюр.

Ҳулкар опа ўзи ҳақида сўзлашни хуш кўрмайдиганлар тоифасидан. У табиатан камтарин, тортинчоқ. Овози ҳам ўзи каби сокин... Бежиз онаси Зулфия опа меҳр билан “Мунисим Ҳулкарим...” деб суймаган. Йирик маъноли кўзлар Ҳамид Олимжоннинг ҳаётга ошиқ нигоҳини эслатса, расо бўйи-басту кенг пешона эса устоз Зулфияхонимни ёдга солаверади...

Ҳулкар Олимжонова китоблар орасида улғайгани учун ҳам шеърият ошиғи. Аяси ва дадасининг ўнлаб шеърларини ёд ўқий-ўқий завқланади:

Уфқларда сайр этгин мудом,
Қуёш келиб сувга чўкканда...
Ой, булутлар орасидан шом
Этак-этак шуъла тўкканда...

Унинг ўқишига маҳлиё бўлганча, хотиржам нурли чеҳрасидан, соғинч тўла кўзларидан синаётган хотираларнинг заррасини тераман. У шеърни тугатиб, менга майин қарайди:

— *Бу — “Ҳулкарнинг шеъри”дан* — дейди хиёл энтикиб, — *туғилганимда, ўттиз етинчи йил ёзганлар, дадам...*

Шоира Зулфия фарзандини тонг поклигини, баҳор гўзаллигию куз сахийлигини таъбига сингдириб катта қилди. У мактабда ҳам, университетда ҳам аъло ўқиди. Адабиётнинг сирли, сеҳрли олами уни ўзига мафтун этгани учун ҳам Ўзбекистон Фанлар Академияси аспирантурасида таҳсилни давом эттирди. Адабиётшунос олим Иззат Султон раҳбарлигида “Ижодий ният ва ижро” мавзуида илмий изланиш олиб борди.

— *Бир куни аямнинг қалами ёзув столи устида ётарди,* — дейди Ҳулкар опа. — *Уйимизга келган меҳмонлардан бири “Қаламингиз бунча чиройли, ўғирлаб олсам бўларкан”, деди ҳазиллашиб. Шоир қалби қанчалар нозик, қанчалар туғёнли, таъсирчан эканлигини ўшанда билдим. Аям меҳмонга кулиб қарадию дилида нималар кечганини кўзларидан уқиб олдим. Шу биргина сўз аямнинг фикр торларини чертиб юборди. Гўё шеър ёза олмай қоладигандек таъсирлантирди. Ахир, аямнинг бутун ҳаёти, аламу қувончи қалам билан боғлиқ эмасми? Шу кеча тунни тонгга улаб, “Ўғирламанг, қаламим бир кун” шеърини ёздилар...*

Бу воқеа Ҳулкарнинг ўзига ҳам таъсир қилди. Нафақат аясининг, атоқли шоирлар Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзоданинг муборак ижодхонасига қатнай-қатнай, уларнинг ижодий ниятини, шеър яратиш завқ-шавқию машаққатини англашга киришди.

Албатта, бу иш анчагина мушкул, масъулиятли эди. Ахир, ҳамма шоирлар ҳам ўз ижод сирларини ўзгаларга айтавермайдилар. Сабр-тоқат, изланувчанлик, китобларга ошнолик ва айниқса дилбар муомаласи боис Ҳулкарга кенг йўл очилди. Фикри теран, идроки ўткир устоз шоирлар у билан бафуржа бир неча бор чин дилдан суҳбат қурдилар. Ҳулкарнинг қатор мақолалари, рисолалари яратилди.

Укаси Омон Олимжонов ҳам изланиб, фалсафа фанлари номзоди бўлди. Бир умр нуфузли идорада ишлаб, халқимизга хизмат қилди. Бу ҳақда Зулфияхоним ифтихор билан шундай ёзгандилар:

Ота бўлиб, солдим мен йўлга
Она бўлиб, меҳримга олдим.
Мана, юртта ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим...

Филология фанлари номзоди Ҳулкар Олимжонова 1965 йилдан Ўзбекистон Миллий университети филология ва журналистика факултетининг ўзбек ва рус гуруҳларида ўзбек адабиётидан дарс бера бошлади. Унинг теран билими, сўз санъатига чексиз муҳаббати дарс бериш услубида ҳам ўз поэзиясини яратишига имкон яратди. У ижод дунёсининг сиру асроридан сўзлар, лириканинг ноёб намуналарини ёд ўқир экан, талабалар нигоҳида мисоли юлдуз чақнарди. Юракларида ўрик гулларди. Унинг маърузасини тинглагач, дарё каби уйғоқ яшашни, ижодда, одамийликда ўзликни намоён эта олишни орзу қилардилар.

Бу орада фарзандлар ҳам катта бўлаверди. Академик ёзувчи Ойбек ва кимёгар олима Зарифа Саидносировларнинг суюкли келини, тарихчи олим Омон Тошмуҳамедовга муносиб умр йўлдоши Ҳулкархоним оиласига ҳам, ишига ҳам, онажони Зулфияга ҳам парвона бўлишга вақт, куч-ғайрат топа олди.

Кўп йиллик кузатувларимга суяниб айтгим келадики, Ҳулкар опа ҳаётининг каттагина қисмини ижодкор она Зулфияхонимга бахшида этди. Баъзи фарзандлар бор, ота-она истакларидан, дардидан йироқ. Бу биз учун сир эмас. Ҳулкар эса Она — Зулфиянинг позиктаъб шоира, йирик, фаол шахс, аҳдига вафодор аёл эканлигини, Ҳамид Олимжон хотирасини қўзтумор билиб, унинг ОИЛАСИ шаънига айланганлигини бир он бўлсада унутмади. Унинг руҳиятига, хоҳиш-иродасига мудом сергак туриб, асраб-авайлади. Омон уйланиб, Риояхондек меҳрибон, шифокор келин келгачгина Ҳулкарнинг кўнгли бироз тин олди.

Ойбек ва Зарифахонимнинг “Кичик фанлар академияси” деб ном олган оиласига ҳам, Зулфияхонимнинг Ҳамид Олимжон билан яшаган ўша қадрдон хонадонига ҳам не-не азиз меҳмонлар келмаган, дейсиз. Ҳулкар опа ҳар иккала хонадон мезбонлигига баб-баравар елиб-югурганини кўрганман. Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Амрита Притам, Марварид Дилбози, Мустай Карим, Мирзо Турсунзода, Файз Аҳмад Файз, Константин Симонов каби қатор жаҳонгашта ижодкорларни фарзандлар аяжонлари ёнида турганча жуда кўп бор кутиб олишган. Ҳулкар самимий муомаласи, шеърларни рус тилида ҳам санъаткорона ёддан ўқий олиши, меҳмондўстлиги, ҳатто пазандалиги билан ҳам уларнинг меҳрини қозонди. Чет элларда ўтказилган адабиёт декадаларида ё уйларида бўлган қизғин мушоираларда Зулфия шеър ўқиётиб, ногоҳ бирон сўзни унутса, Ҳулкар шу сонияда шеърни давом эттириб, олқиш олган. Шоиранинг шундай нафосатли, бўйи бўйига, ақли ақлига тенг қизи борлигига хўп ҳаваслари келган...

— Рус мактабини битирганман, дейсиз Ҳулкар опа, — сўрайман мен. — Лекин ўзбек тилини пухта биласиз. Равон, тиниқ сўзлайсиз. Рус мактабида ўқиган баъзилар ўз она тилини унутиб қўядилар.

— *Комила бувим, аям бу борада қаттиқ талабчан бўлишган. Уйда фақат ўзбек тилида гаплашардик. Бадиий китобларни ҳам асосан ўзбек тилида ўқирдим. Бахтимизга Оллоҳ Комила бувимга узоқ умр берди. Дадамиз Ҳамид Олимжон бешигини тебратган қўллар бизни ҳам бағрига босди. Дадам эшитган аллаю эртакларни болалик йилларимизда — уйқусиз тунларимизда бизга ҳам айтиб бердилар. Бувимнинг сўзга бойлигига, ўзбек тилининг жилоларини яхши билишига ҳавасимиз келарди. Нозиктаъб, юксак дидли, меҳрибон Комила бувим аямни ҳам, бизни ҳам ниҳоятда севиб, эъзозлаганлар. Изтиробли кунларда доимо аямнинг ёнларида бўлиб, бир-бирларини авайлаб, ардоқлаб, ҳамфикр бўлиб яшашган...*

Ҳулкар ва Омон Олимжонов Зулфия замондошлари хотирасини тўплаб, “Тонгнинг ўзидай пок ва ёрқин” номли китобни мухлисларга тақдим этдилар. Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб чиқарилган “Дарё каби уйғоқ ўтурман” номли сайланмани тайёрлашда уларга Риояхоним ҳам ёрдам берди.

Қарангким, Ҳулкар опанинг биринчи қизалоғи Гулшод туғилганда Зулфияхоним шундай хат киритган эканлар: “Гўдакни қўлингга беришганда қулоғига шеър айт. Она сути билан дилига, танига шеър кирсин!”.

Ҳақиқатан ҳам, Зулфия фарзандларининг, набираларининг дилида, танида шеър бор. Шеъриятга чексиз муҳаббат бор. Ажаб эмас, бу авлодлардан келажакда яна Ойбеклар, Зулфиялар, Ҳамид Олимжону Зарифахонимдек алломалар етишиб чиқса...

Ҳулкар Олимжонованинг хонадони доимо гавжум. Биз — устоз Зулфияхоним шогирдлари, Ҳулкар опанинг ҳамкасблари, тарихчи олим Омон Тошмуҳамедовдан таълим олган ёшлар, дўстлар Ҳулкар опани кўргани борганда, албатта, шеър ўқиймиз, шеър тинглаймиз. Ва албатта, устозларни меҳр билан эслаймиз... қўмсаймиз.

Ҳа, Ҳулкарнинг дадаси шундай орзу қилган эди:

...Тўшаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшнасин баҳор,
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.

Сени кўрса очилсин гуллар,
Сени кўрса ёнсин булбуллар.
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.

Санъат МАҲМУДОВА

Қалб ва қиёфа

Сиймолар

МАҚОМЛАРДА ЎТМИШ НИДОСИ

Аждодларимиз мусиқий тафаккурга эга бўлиш комил инсон бўлиб етишишда, юксак маънавият соҳибига айланишда етакчи воситалардандир, деб сабоқ берганлар. Шу боис, аллома боболаримиз асрлар нидосини ўзида мужассам этган мақомлар сирини сидқидилдан ўрганганлар. Улар созлар, оҳанглар дунёсини билиш учун хонадонларида дутор, танбур, ғижжак, самтур, доира, най, қўшнай, сурнай каби ўнлаб чолғу асбобларини ардоқлаб сақлаганлар, улардаги куй измини, парда жилваларини, усул рукнларини ўрганиб, мақомот илмига калит топганлар. Созлардаги инсон руҳи тараннумини танбур чизиқларига муҳрлаганлар, мусиқий баёзлар битганлар.

Сўз ва матн, соз ва оҳанг қатларидаги асрлар нидосига қулоқ тутиб, келажак авлодга мақомот илмини мерос этиб қолдирганлар. Шу маънода Муҳаммад Юсуфбек Баёний ёзиб қолдирган адабий, тарихий, мусиқий мероснинг ҳар бир сатри кўзларга тўтиёдир. Баёний шоир, тарихнавис аллома, зарқаламли хаттот, бир неча тилларни мукаммал билган таржимон, созанда ва мақомшунос олимдир.

Адиб Лаффасий “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” асарида ёзишича, Баёний шахмат ўйинида маҳорат кўрсатиб, сарой аҳлини мот қилар экан. У хаттотлик илмини пухта эгаллаган, хушнависликнинг хати куфий, сулс, шикаста, райҳоний, хати ҳиндий турларини мукаммал эгаллаб, шогирдларига ҳам ўргатган. Ўз асарларида Мавлоно Дарвеш Аҳмаднинг уч жилдли “Саҳоифул-ахбор”, Биноийнинг “Шайбонийнома” ҳамда Табарийнинг “Тарихи Табарий” китобларини ўзбек тилига таржима қилганини ёзади.

Баёнийнинг замондоши, шоир ва хаттот Бобожон Таррох Ходим (1878 — 1971) ундан қирқ ёшларча кичик бўлиб, хон саройида бирга ишлаган. У устозининг адабиётдаги ўрни, шогирдларига меҳрибонлиги, олижаноб фазилатлари ҳақида эҳтиром билан ёзади.

Бобожон Таррох Ходим “Хоразм навозандалари” китобида: “...Муҳаммад Юсуфбекнинг илмий даражаси ниҳоятда юксак эди. Мактаб, мадраса таълимотидан ташқари, Хоразм олимларидан ҳам ўрганди. Кўп китобларни таржима қилди. Шоирликда биринчи ўринда туради. Табибликдан, соз илмидан ҳам олим эди. Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ биларди. Ўта сахий инсон бўлиб, уйида барча чолғу созларидан икки-учта нусха сақларди. Унинг ҳовлисида соз бўлмаган кечанинг ўзи йўқ эди”, деб хотирлайди. Шоир Лаффасий ҳам Баёний тўғрисида “... танбур, ғижжакка муорибатлиғ уста бўлдир, дер”, деб ёзади.



Дарвоқе, Баёний Хоразм олти ярим мақомини нота чизиқларига кўчириб, китоб ҳолига келтирган санъаткордир. Бу соҳада у Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Худойберган Муҳркан, Муҳаммад Ёқуб Харрот, Ниёзийлар билан ижодий ҳамкорликда ишлаб, келажак авлодга мақом дурдоналарини ўз дастхати билан ёзиб қолдирган.

Баёнийнинг Янгиариқ туманидаги Шаравот қишлоғида истиқомат қилаётган невараси қўлида сақланаётган бу “Танбур чизиғи” китобининг топилиш тарихи, уни ҳозирги нотага ўтказиш жараёни ҳақида Комил Авазнинг “Олис оҳанглар” китобидан ўқиб билдик.

Баёний қадрдон дўсти Муҳаммад Расул мирзабоши ҳақида чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёзган. Мирзо тахаллуси билан ғазаллар биттан бу шоир ғазалиёт ва мақомот илмининг бобокалони Комил Хоразмийнинг ўғлидир. Баёнийнинг ёзишича, Мирзо “Танбур чизиғи” китобини 1300-ҳижрий (1883-милодий) йилда ёзиб тугатган. Бу китобнинг узоқ сақланишини истаб, 1338-ҳижрий (1920-милодий) йилда Баёний ундан нусха кўчирган.

Қадим наволарни созларга кўчирган, мақомот илмига асос солган Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзо ҳақида Бобожон Таррох Ходим “Хоразм навозандалари” китобида ёзишича, “... Комил Хоразмий хонлиқ вазифаси билан Россияга борғон вақтда рус бастакорлари билан учрашади. Улардан нота илмини ўрганиб қайтади. Ўн икки мақомни олти мақомга таркиб бериб ёзади. Муҳаммад Расул Мирзобоши отаси ёзган бу китобни қайтадан кўриб чиқиб, олти мақом нотасиға ярим мақом нота қўшиб ёзади. Бу ишда ўзига ёрдамчи қилиб Худойберган Муҳркан девон, Муҳаммад Ёқуб Харрот девонларни олади. Муҳаммад Расул Мирзабоши ўзидан “Мусаббак”, деган бир мақом куйини ижод қилади.

Баёний Хоразм олти ярим мақомининг пайдо бўлиши жараёнларида фидойилик кўрсатиб, уни бугунги авлодларга тўлиқ етиб боришини таъминлаш мақсадида дўстларининг “Танбур чизиғи” китобини ўз дастхати билан кўчирган эди.

Қиёт қишлоғида акаси — машҳур табиб Яхшимуродбек билан бир ҳовлида яшаган Баёний саройда ишлари қўплигидан Патрак, деган жойга кўчиб келади. Патрак Нуриллабой саройининг тепарогида жойлашган мавзе бўлиб, Кўҳна Аркка яқин эди. У жуда камбағал яшар, шеъриятни, илмиёт ва мақомотни ҳамма нарсадан устун қўярди. Хоразм шоҳлари тарихини ёзиб, ўзидан ёдгор қолдиришга киришганида у етмиш икки ёшларга бориб қолган эди. Баёний бу даврдаги ўз ҳолатини тасвирлаб “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида: “... Фақир агарчи илтифоти шоҳонадин хурсанд бўлдим, аммо, бебизоатлигим (камбағаллигим) сабабидин андишаманд эрдиким, бу қиллати иститоат (куч-қувват озлиги) била мундоғ улуғ хизматга оё не навъ илик ура олурман...”, дея Оллоҳга илтижо этади.

Баёний бадиий юксак шеърлар битган файласуф шоирдир. У аруз вазни санъатини, барча баҳрлари, қофия илмини мукаммал эгаллади. Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари Навоий, Фузулий, Бедил, Мунис ва Огаҳий ғазалларига мухаммаслар боғлади. Арузнинг деярли барча жанрларида: ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида, мусабба, таржибанд, маснавий, рубоий, баҳритавил, тарих каби турларида ижод этдики, бу алоҳида илмий таҳлилларга муносиб мерос. Унинг ғазалларида юксак маънавият соҳиби, ҳаёт ошиғи, севгига содиқ инсон образи яққол кўриниб туради.

Шоир ёшларга қарата ёзган шеърларида бахт ва иқбол баҳодирликда, ақл ва илм нурида, деб васият қилди. Умри давомида зарқалам хаттотлар, нафосатли ғазаллар биттан шоирлар авлодини тарбиялашга ҳаракат қилди. Улар Табибий (1869 — 1911), Аваз (1884 — 1919), Чокар (1889 — 1952), Комилжон Девоний (1887 — 1938), Партав (1905 — 1956) сингари шоирлардир.

Энди Баёнийнинг сурати ҳақида икки оғиз сўз. 1960 — 1965 йилларда шоир ва хаттот Бобожон Таррох Ходим ўзининг “Хоразм навозандалари” хотира китобини ёзишга ҳозирлик кўрарди. У ўзи яшаб ижод этган адабий муҳитдаги 31 нафар шоир ҳақида материал тўплайди. Хива тарихий музейи ходимлари ва кекса фотосуратчилар ёрдамида Баёний ва бошқа ижодкорларнинг суратларини топади. Баёнийнинг ушбу фотосурати биринчи бор эълон қилинаётир.

Баёний 1923 йилнинг январида 83 ёшида Хивада оламдан ўтган. Бутун умри давомида ўз халқини озод, бахтиёр кўришни орзу этиб яшади. Ана шу эзгу ният йўлида курашди ва ижод қилди. Бугунги кунда мустақиллик қуёши бошимиз узра нур сочиб турибди. Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларини тиклаб, аждодларимиз боқий меросидан баҳраманд бўлаётган халқимиз асрларнинг мумтоз садоларига янги ҳаёт бағишлаётир.

Анбара ОТАМУРОДОВА,
Оллоназар АБДУРАҲИМОВ

Ўзим ўқийман

ҚИСТОВ

Ойисини қистовга
Олар жажжи Нозима:
— Сиз ҳам менга ҳозироқ
Ясаб беринг бир нима!

Дилдоранинг ойиси
Гиламга гул босармиш.
Бувиси ҳам зўр эмиш,
Пашшадан фил ясармиш.

ШЎХ ИТ

Кучук боқди Дилшодвой,
Хурсанд юрар, кўнгли тўқ.
Ҳа демайин ит бўлди,
Итмисан ит, жуда шўх.

Овчиларнинг итидай,
Чаққон чиқди жуда ҳам.
Улоқтирса нимани,
Олиб келар ўшал дам.

Бироқ ҳар кун қўшнилар,
Дилшодвойдан нолишар.
Калишларин “шўх ит”нинг
Катагидан олишар.

ДЎСТЛАР

Жаслиқ деган дўстим бор,
Бизлар жуда иноқмиз.
Ҳазил-мутоибада
Гоҳ ўзбек, гоҳ қозоқмиз.

Очилгандай туюлар
Кўришмасак орамиз.
Тайёрлаб шох таомлар,
Чақчақлашиб оламиз.

Қозоқ дўстим паловни
Мақтаб роса кўп ейди.
Қорни тўйгач, барибир,
— Бешбармоғим зўр! — дейди.

ТЎТИҚУШГА

Гапирдим деб, тўтивой,
Гердаясан бунча ҳам.
Эшитганман “нутқингни”,
Ўғрисан сен, муттаҳам.

Ахир менга не фойда
Такрорлаган сўзингдан.
Айтганимга битта сўз
Қўшолмасанг ўзингдан.

ЕНГИЛМАС МУШУК

— Курашамиз дедингми?
Келақол, майли!
Кўп уринма, барибир,
Елкам ерга тушмайди.

ЁСТИҚ

Бошимни юзингга
Қўйиб ётаман,
Силайсан, меҳрингга
Тўйиб ётаман.

Тонгтача танимда
Қолмайди чарчоқ.
Онам қўлларидай
Мулойим ҳар чоқ.

Қўзи ИСМОИЛ

Утерянный аттестат №001252 U2162349 выданный 26.06.2006г.средней школой №1, Янгиюльского р-на на имя Эльвадинова Алима Энверовича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур (аввалги Октябрь) туманидаги 59-ўрта таълим мактабининг 10-синфни 1986 йилда тамомлаган Абдуназарова Гузалхон Сабитовна номига берилган Г 985936 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Частное предприятие "МОТОТЕХ ТА`MIRLASH" Мирабадского р-на ИНН-206966766 ОКОНХ 14931 зарегистрированное Мирабадской инспекцией гос.регистрации субъектов предпринимательства г.Ташкента **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** (Решение собрание учредителей №1 от 26.04.2010). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел: 110-25-64.

* * *

Утерянную зачетную книжку №2040 выданную ТДТУ на имя Саттарова Абдувохида Абдурахмановича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Утерянный аттестат №312938 выданний школой №326 Сабир-Рахимовского р-на на имя Бариева Фархада Кавиевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянное гувохнома №002283-04 от 24.08.06 ООО "OFTA SFERA PLUS" Мирзо-Улугбекского р-на **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный студентский билет №28014 выданный ТАТУ на имя Ахунова Шерзода Абдугани ўғли **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянное гувохнома ТН 0909084 выданное 05.03.2010г. "Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК на имя Бадалова Иргаша Дадакузиевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянное свидетельство (гувохнома рег.№002482 от 30.06.2009г.) ООО "МЕДЭКОПРОМ" ОКПО 15760515 **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный план квартиры выданный Чиланзарским БТИ по адресу: Чиланзар-1, дом-55, кв-24 на иму Умирзакова Икрома Даврановича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

ТошДУ томонидан 1995 йилда Эшматов Илҳом Бердиёрович номига берилган №076373 рақамли (рўйхат рақами №42361) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Соғлигинг — бойлигинг

Шифобахш гиёҳ

Кўкламнинг ўрталаридан бошлаб ҳавода аллергия қўзғовчи чанг ва губорлар кўпайиши (иссиқ кунлар келиб, қишда қор остида ётган вируслар уйғониши, гул чанги, терак ва бошқа ўсимликлар чиқарадиган пўпанак гардлар ҳавода уча бошлаши) туфайли нафас йўли хасталиклари кучаяди. Бундай пайтда она табиат бағрида ўсувчи шифобахш неъматлардан билиб фойдалансангиз, хасталик енгил ўтади. Кўпчилик “оққалдирмоқ” (“мат-и-мачеха”), деб атайдиган шифобахш гиёҳ ҳозир айни гулга кирган. Бизнинг юртимизда у баланд тоғликларда ўсади. Унинг гуллари апрел-майда, барглари эса гулларини тўккач йиғиб олиниб қуритиб қўйилса, йил бўйи фойдали хусусиятини йўқотмайди.

Шамоллаганда, айниқса, йўталда бу ўсимликнинг барг ва гуллари дамламаси яхши шифо бўлади. Бунинг учун бир стакан қайноқ сувга тўрт чой қошиқ қуритилган “оққалдирмоқ”дан солиб, худди чойдек дамлаб қўясиз. Икки соатдан сўнг ичиш мумкин. Бир стакан дамламани тўртга бўлиб, тўрт маҳалдан ичиб юрсангиз балғам осон кўчади ва йўтал қийнамайди.

Икки ёшга тўлмаган болалар, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, шунингдек, жигари хаста кишилар ичмагани маъқул.

Кечки таом қандай бўлиши керак?

Бу борада шифокор ва таомшунослар баҳси охирига етмаган бўлса-да, барибир, кечки таомнинг инсон саломатлигида ўрни беқиёс. Ундан буткул воз кечиш тўғри эмас. Негаки, оқшомлари тўйиб овқатланмаганларнинг эртанги куни иштаҳаси очилади. Бу эса таомлар умумий миқдорида калорияли овқатлар ҳажми ошишига йўл очади. Бу ҳол семиртиришдан ташқари меъда-ичак йўллари хасталанишига ҳам олиб келади. Жуда оз таомланиш ва ҳаддан ортиқ тўйиб кетиш ошқозон яраси, ўт қопи яллиғланиши ва панкреатит каби хавфли касалликлар бошланишига сабаб бўлади.

Овқат ҳаддан зиёд кўп бўлса, меъда зўриқиб, таом қийин ҳазм бўлади. **Ўз вақтида ва меъёрида овқатланишда ҳикмат кўп!** Бунга риоя қилувчилар, аввало, семирмайди. Қолаверса, меъда-ичак хасталигининг ҳам олди олинади. Овқатланиш вақтлари оралиғи 4-5, тундагиси эса ўн соатдан ошмаслиги керак. Эрталабки нонушта ва кечки таомнинг ўз ўрни бор. Бироқ кечки таомга алоҳида эътибор зарур: у мойи кам, тез ҳазм бўладиган, калорияси оз ва яхши ухлашга ёрдам берадиган бўлиши керак.

Мабодо кечқурун мойли таом есангиз, меъдага қон кўп келади ва ўзингизда оғирлик сезасиз. Кечки овқатга қовурилган гўшт, жигар, дудланган егуликлар, қўзиқорин ва дуккакли ўсимлик таомлари тўғри келмайди. Бу таомларни еганда уйқу оғир кечади, бош оғрийди, қовоқ салқийди. Бир соатдаёқ ҳазм бўлиб кетадиган йогурт ва бульонлар ҳам кечки овқатга унчалик маъқул эмас.

Кечки овқат учун энг яхши таом — димланган гўшт, балиқ, денгиз маҳсулотлари, сабзавот, қайнатилган картошка, ширин мевалардир. Калорияси кўп таомларни кундуз соат 15 гача ейиш керак. Негаки, соат эрталабки тўққиздан то ўн олтига қадар кўп энергия сарф қиламиз. Шу боис кунлик таом ҳажмининг 25 фоизини (400-450 килокалория) кечқурунга қолдириш керак.

Таркибида миянинг бир текис ишлашини таъминловчи кальций, мушакларнинг бўш бўлишига хизмат қилувчи магний бўлган таомлар уйқу сифатли бўлишига ёрдам беради. Кальций ва магний дон маҳсулотлари, димланган балиқ, барча турдаги карам, кўк нўхат ва қўқатларда кўп. Тўйиб ухлаш учун таркибида триптофан аминокислотаси бўлган таомлар зарур. Бу модда банан, анжир, хурмо ва бошқа неъматларда кўпроқ, уларни уйқудан бир ярим-икки соат аввал еган маъқул.

— **болаларга** кечқурун сутли гречка бўтқаси, йогурт ва бир стакан қатиқ ёки творогли таом, қайнатилган тухум ва кисел тавсия қилинади;

— **ўсмирларга:** макаронли спагетти, денгиз маҳсулотлари ва пишлоқ ёки чучвара ва шарбат;

— **катталарга:** димланган балиқ (200 грамм), қайнатилган савзавот ёки қайнатиб ёхуд димлаб пиширилган гўшт (200 грамм), яхши сақланган сабзавотлар;

— **кексаларга:** 200 грамм ёғсиз творог, қуруқ печенье ёки гўшт ва балиқ котлети, ичимлик ўрнида қатиқ, кефир, қуруқ мевалар шарбати.

Умрзоқлик сирлари

Узоқ умр кўриш сирларида уйқу меъёри алоҳида ўрин тутади. Олимлар бир кеча-кундузда 7,5-8 соат, дам олиш кунлари эса сал кўпроқ ухлашни маслаҳат берадилар. Камдан-кам ҳоллардагина олти соатдан кам ухлаб ҳам бардам ва тетик юриш мумкин. Бироқ бундай одамлар орасида узоқ умр кўрувчилар кўп эмас.

* * *

Олимлар нонинг сирт қисми мағизидан кўра фойдали, деб ҳисоблашади. Нон сиртида саратон қўзғовчи ҳужайраларга қирон солувчи прониллизин антиоксиданти саккиз баробар кўп экан.

* * *

Помидор калий моддасига бой. Шу сабабли таомига ҳар куни помидор қўшиб ейувчиларда юрак-қон томир хасталиги бошқаларга қараганда ўттиз фоиз кам кузатилади.

* * *

Инглиз олимлари ўтказган тадқиқотга кўра, ақлий меҳнат эгалари ўртасида бевақт ўлим ҳоллари тўғри баробар кам экан.

* * *

Қаттиқ жиринглайдиган соатдан фойдаланманг. Япон олимлари тусатдан янграйдиган қаттиқ овоз қон босими юқори кишиларда юрак хуружига сабаб бўлишини аниқлашди.

* * *

Уйида ит ва мушук каби жониворларни асровчи кишилар руҳий зарбаларга (стрессларга) кам чалинаркан. Бу жониворларда одатда қон боисми ҳам паст бўлади.

* * *

Америкадаги Альберт Эйнштейн номидаги тиббиёт коллежи олимлари 92 минг кишини текширувдан ўтказиб, ҳафтада атиги бир марта ибодатхонага ташриф буюрувчилар бошқаларга қараганда йигирма фоиз кўп умр кўришини аниқладилар. Франциялик олимлар эса “сальс” рақсига тушишни хуш кўрувчилар ҳам узоқ умр кўришини исботладилар. Бу рақс умуртқани мустаҳкамлаб, ўпкани ривожлантиради, ҳатто нафас қисиш хасталигидан фориғ этар экан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6973. Буюртма Г — 348. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН